

# ФОЛЬКЛОР ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ



- ❖ ЎзДСМИ ҳузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Халқ ижодиёти” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ доцент Рустам Абдуллаев

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган  
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Фольклор ва этнография”  
кафедраси доценти Рустам Абдуллаев.

**Такризчилар:** ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат  
адабиёт музейи директори, филология фанлари  
доктори, профессор Жаббор Эшонкулов;  
ЎзДСМИ “Фольклор ва этнография” кафедраси  
доценти, филология фанлари номзоди Саидкул  
Алимов.

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>21</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>92</b>
<b>V.</b>	<b>КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>112</b>
<b>VI.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>115</b>
<b>VII.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>121</b>
<b>VIII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>126</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## I. ИШЧИ ДАСТУР

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг

замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларига **“Фольклор ижрочилик санъати тарихи” модулининг мақсади:**

Фольклор ижрочилик санъатининг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни, уни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш, ушбу мероснинг аввалги ва замонавий ҳолатини солиштириш орқали унинг ҳозирги кунда қай даражада таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга татбиқ этиш ва бошқаларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашдан иборат.

#### **“Фольклор ижрочилик санъати тарихи” модулининг вазифалари:**

- фольклор ижрочилик санъатида эришилган янги илмий-ижодий, илмий тадқиқот натижалари, истиқлол даври фольклор санъати тараққиёти билан танишиш;
- мустақиллик даври фольклор тараққиёти ва ижрочилик санъати, фольклор ижрочилик санъати, унинг ўрганилиши;
- фольклор асарлари ижросида сўз, куй ва рақс уйғунлиги;
- жаҳон халқларининг маданий ҳаётида халқ ижодиётининг тутган ўрнини таҳлил этиш;
- оммавий байрам ва тадбирларда ижрочилик санъатининг намоён бўлиши; фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолатини таҳлил этиш;
- болалар фольклори ва ижрочи маҳорати. Халқ томоша санъатида ижрочилик санъатининг намоён бўлиши.

#### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Фольклор ижрочилик санъати тарихи”** курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

##### **Тингловчи:**

- фольклор ижрочилик санъати тарихининг мазмун, моҳиятини;
- фольклор ижрочилик санъатини янада ривожлантириш борасида Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни;

- халқ томоша санъатида ижрочилик санъатининг намоён бўлиши ҳақида **билиши** лозим.

**Тингловчи:**

- мустақиллик даври фольклор тараққиёти ва ижрочилик санъатини;
- фольклор ижрочилик санъати, унинг ўрганилишини;
- оммавий байрам ва тадбирларда ижрочилик санъатининг намоён бўлиши; фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолатини таҳлил этишни;
- фольклор ижрочилик санъатини замонга мослашуви орқали сақлаб қолиниши мумкинлигини тушунган ҳолда уни амалиётга татбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- фольклор ижрочилик санъатини ўзлаштиришда анъанавий услуб ва тажрибаларни қўллаш ҳамда фаолиятга татбиқ этиш;
- фольклор ижрочилик санъатини тарғиб этаётган ОАВлари материалларидан самарали фойдаланиш;
- замонавий техник воситаларни бахшичилик санъатини ўрганишда қўллаш;
- фольклор асарларини қиёсий ўрганиш ва таҳлил этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолатини таҳлил этиш;
- фольклор ижрочилик санъати жанрлари ва уни куйлашдаги анъанавий услубларни таълим тизимида татбиқ этиш;
- фольклор ижрочилик санъати ва маҳорати бўйича илмий, илмий-ижодий тадқиқот олиб бориш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим

### **Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

**“Фольклор ижрочилик санъати тарихи”** курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланиш мўлжалланган.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Фольклор ижрочилик санъати тарихи” модули мазмуни ўқув режадаги Мустақиллик даври фольклор тараққиёти ва ижрочилик санъати. Фольклор ижрочилик санъати, унинг ўрганилиши. Бахши – фольклор асарлари ижрочиси. Фольклор ижрочилик санъатида кўшиқ. Маросим фольклор кўшиқлари ва ижро санъати. Фольклор асарлари ижросида сўз, куй ва рақс уйғунлиги. Оммавий байрам ва тадбирларда ижрочилик санъатининг намоён бўлиши. Фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолати. Болалар фольклори ва ижрочи маҳорати. Халқ томоша санъатида ижрочилик санъатининг намоён бўлиши ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Мавзу	Назарий	Амалий	Кўчма	Мустақил таълим	Сана	Имзо
1	Мустақиллик даври фольклор тараққиёти ва ижрочилик санъати.	2					
2	Фольклор ижрочилик санъати, унинг ўрганилиши	2					
3	Бахши – фольклор асарлари ижрочиси.	2					
4	Фольклор ижрочилик санъатида кўшиқ.		2				
5	Маросим фольклор кўшиқлари ва ижро санъати.		2				
6	Фольклор асарлари ижросида сўз, куй ва рақс уйғунлиги.		2				
7	Оммавий байрам ва тадбирларда ижрочилик санъатининг намоён бўлиши.		2				



8	Фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолати. хослик		2				
	<b>Жами: 16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>				

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Мустақиллик даври фольклор тараққиёти ва ижрочилик санъати

Ўзбек фольклор санъатининг юзага келиши, тарихий тараққиёти, мустақиллик давридаги фольклор санъатининг ўзига хослиги борасидаги тушунчалар, фольклор санъати миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири эканлиги, давлатимиз томонидан бахшичилик санъатини янада ривожлантиришга қаратилган Қарор ва меъёрий ҳужжатлар атрофлича таҳлил этилади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар Ўзбекистонда фольклор ижрочилик санъатини муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган ишларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунчилик, давлат дастури ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан танишадилар. Фольклор санъатининг бугунги кундаги ривожини, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, бахшичилик санъатини янада ривожлантириши масалалари ҳақида маълумот оладилар.*

### 2-мавзу: Фольклор ижрочилик санъати, унинг ўрганилиши.

XX аср бошларида фольклор атамаси ўрнида «оғиз адабиёти», «эл адабиёти», «оғзаки поэзия» каби атамалар қўлланилган. Фольклор ўзига хос санъат тури бўлиб, қадимда у мифларга ўхшаш синкретик характер касб этган. Кейинчалик унда сўз санъати етакчилик қилиши натижасида синкретилик хусусияти халқ кўшиқларида, дўмбира ижросида айтилувчи дostonчилик санъатида ва айрим мавсум-маросим ёки болалар фольклоридагина сақланиб қолган. Ёзув пайдо бўлгунга қадар фольклор оғзаки нутқ имкониятлари асосида яшаб, тараққий этиб келди.

Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари. Фольклорга хос бўлган етакчи хусусиятлар, фольклорни бошқа санъатлардан ажратиб турувчи асосий тамойиллар, версия, вариантлилиқ, анъанавийлик, жамоавийлик ҳақидаги тушунчалар ҳақида атрофлича маълумот берилади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар фольклорга хос хусусиятлардан бири ижоднинг кучли анъанавийлик доирасида бўлиши, бу анъанавийлик фольклор асарлари текстидан тортиб, сюжет барқарорлиги, образ ва мотивларнинг кўчиб юриши, бадиий шаклнинг нисбий турғунлиги кабиларда намоён бўлиши оқибатда фольклор асарларига хос вариантлилиқ ва версиялилиқ хусусияти келиб чиқиши жиҳатлари ҳақида кенг тушунча берилади.*

### **3-мавзу: Бахши – фольклор асарлари ижрочиси.**

Бахшининг ижрочилик ва ижодкорлик фаолияти асрлар давомида шаклланган оғзаки эпик анъаналар доирасида намоён бўлади. Эпик формула бу эпоснинг ядросидир. Биз эпик формуланинг нима эканлигини тушунмай бирор бир дoston моҳиятини тушуниб етолмаймиз. Оғзаки ижод деганда, биз энг аввало, ана шу эпик формула асос бўлган ижодни тушунамиз. Ёзма адабиётнинг ўз қонуниятлари мавжуд. У ана шу қонуниятларга асосланиб ривож топади. Оғзаки ижоднинг эса қонуният битта бу эпик формулага асосланганлик. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Эпик формула бу эпоснинг қурилмаси, суягидир.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар эпик формула бу тайёр қолип эканлиги, бахши ўз достонини ана шу эпик қолипга мослаб куйлаши ҳақида маълумотга эга бўладилар. Ҳар бир бахши эпик формулага ўзича ёндошади, бу ижодий ёндошиши унинг наворотлигини, нечоғли иқтидорли эканини намоёниши этади. Эпик формулалар қонуниятини билмасдан туриб, эпос қонуниятини ҳам билиши мумкин эмас. Шундай экан бадиҳагўйлик санъатида эпик формулаларнинг алоҳида ўрни бор. Бошқача айтганда бахши бадиҳагўйлиги ижрода эпик формулаларни қай даражада фойдалана олиши, ижро анъаналари ҳақида маълумот берилади.*

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек бахшилар билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

#### **1-амалий машғулот: Фольклор ижрочилик санъатида кўшиқ.**

Кўшиқ - тўртликлардан ташкил топган, куйга, оҳангга солиниб ижро этиладиган шеърий санъат. Туркий халқлар фольклоридаги энг қадимий ва бой жанрлардан бири. Яратилиш асосларига кўра, қадимий инонч- эътиоқод ва тасаввурлар, жумладан, наимистик, тотемистик, шомонлик дунёқараши, культлар, маросим ва удумлар, кундалик маиший ҳаёт билан узвий боғланган, куй ҳамда рақслар билан муносабатини барқарор сақлаб қолган, лирик характердаги шеърий саънат намуналари халқ кўшиғи дейилади. Кўшиқ ҳақида дастлабки маълумот Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» китобида учрайди. Бу халқ кўшиқларининг ўша олис даврларда ҳам ранг-баранг бўлганлигини, тарихий илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат беради.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар халқ кўшиқлар тарихи, фольклоршунослик илмида бу жанрнинг ўрганилиши даражаси ва фольклор ижрочилик санъатида кўшиқнинг ўрни ҳақида бахс-мунозара юритадилар.*

## **2- амалий машғулот. Маросим фольклор кўшиқлари ва ижро санъати.**

Инсонга сихат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган хатти-ҳаракатлар маросим дейилади. Маросимни ўтказиш лайтида ижро этиладиган кўпгиқ ва айтимлар, ўқиладиган афсун ва дуолар маросим фольклорини ташкил этади.

Кучли анъанавийлиги, турли-туман ижтимоий ҳодисаларни расмийлаштириш, табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатишга интилиши билан маросимлар ижтимоий ҳаётда катта ўрин тутаяди. Маросимнинг руҳий ва эстетик таъсир кўрсатиши, бирор ижтимоий актни уюштириш, йўналтириш функциялари бевосита хатти-ҳаракат, сўз ҳамда сэхр-жоду қудратига эга деб ҳисобланган нарсалар воситасида амал қилади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар ўзбек фольклори тизимида маросим фольклорининг ўрни, маросим фольклорини таснифи, мавсумий маросимлар, оилавий-маиший маросимоларга уларнинг ўзига хос хос жиҳатлари, маросим фольклоридаги ижро санъати ҳақида баҳс-мунозара юритадилар.*

## **3- амалий машғулот. Фольклор асарлари ижросида сўз, куй ва рақс уйғунлиги.**

Халқ ижоди жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, масхарабозлар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, раққослар, машшоклар, наққошлар, кулоллар, ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳоказо каби санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо унинг яратилиши ва ўзлаштирилишида кўпчилиكنинг иштироки, ҳар бир ижро ёки амалиёт қадимдан қарор топган мустаҳкам анъаналар доирасида воқе бўлиши сақланиб келган. Ҳар қандай бадиҳа, ижодий хатти-ҳаракат, янгилик барқарор анъаналар ва устоз-шогирд муносабатлари доирасида рўй берган.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар ўзбек фольклори тизимида сўз, куй ва рақс уйғунлиги, уларнинг ўзига хос хос жиҳатлари, ижро санъатида сўз ва куйнинг аҳамияти ҳақида баҳс-мунозара юритадилар.*

## **4- амалий машғулот. Оммавий байрам ва тадбирларда ижрочилик санъатининг намоён бўлиши.**

Оммавий тадбирларни ташкил этишда фольклор санъатининг ўз ўрни бор. Айниқса, фольклор-этнографик жамоалари дастурларидаги миллий маросим, анъана ва қадриятлар ўтказилаётган тадбирнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беради. Оммавий тадбирларни ўтказишнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрни бениҳоя каттадир. Оммавий томошалар инсоният яратган энг яхши халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади. Номоддий маданий мерос йўналишларидан

бири бўлмиш фольклор ижрочилик санъати сахна билан боғлиқ бўлган барча ижро намуналарини қамраб олади. Фольклор-этнографик жамоалари ижрочилигидан фойдаланиш оммавий байрам ва томошаларнинг нуфузини оширади. Бу ижролар ўз ўрнида номоддий маданий мерос сифатида баҳоланади. Байрам ва томошанинг таъсирчанлиги, мавзу ва ғоянинг кенг ҳамда аниқ ёритилишида асосан фольклор-этнографик жамоаларининг ўз ўрни бор.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар Оммавий тадбирларни ташкил этишида фольклор санъатининг ўрни, фольклор-этнографик жамоаларининг оммавий томошалардаги кўринишлари зоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялашдаги муҳим аҳамияти, фольклорни тарғиб этишининг замонавий усуллари ҳақида баҳс-мунозара юритадилар.*

### **5- амалий машғулот. Фольклор ижрочилик санъатининг бугунги ҳолати.**

Мустақиллик даврида фольклор тамомила янгича мазмун ва моҳият кашф этди. «Халқ бахшиси» унвонининг жорий этилиши бу фольклор санъатига эътибор давлат миқёси даражасида эканини кўрсатади. Фольклор санъатига бағишланган кўплаб анжуман, фестивалларнинг бўлиб ўтиши бу санъатнинг маънавий ҳаётимизда ўрни баландлигидан далолат беради. Бироқ шундай бўлсада, бутун дунёга хос бўлган вариантларда секилашиш, бузилиш жараёнлари, устоз-шогирдчилик анъаналарига риоя этмаслик, анъанадан чекиниш ва ич овознинг йўқолиб бориши каби хусусиятлар бу санъатни ҳам ўз қомига тортиб бормоқда. Айниқса оммавий маданият бу санъатга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Бундай вазиятда эса фольклор санъатини кўпроқ тарғиб қилиш, ўрганиш, тадқиқ этиш самарали натижа беради.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар ўзбек фольклорининг бугунги ҳолати, постфольклор тушунчаси, фольклор ва постфольклорнинг фарқли жиҳатлари, анъана ва вариатлилик фольклор ва оммавий маданият ҳақида баҳс-мунозара юритадилар.*

### **6- амалий машғулот. Болалар фольклори ва ижрочи маҳорати.**

Болалар фольклори - оғзаки ижод намуналаридан бири. Одатда болалар ёки улар учун катталар томонидан яратилади. Фольклор жанрининг таркибий қисми. Ўзбек Болалар фольклори алла, эртак, эрмаклар, тез айтиши, топшимоқ, болалар ўйин қўшиқлари, эркалама, масхаралама ва бошқаларни ўз ичига олади. Болалар фольклори боланинг тинглашига, айтиб юришига, ўйинига, қўшиғига мосланган бўлади. Ўзбекистонда Болалар фольклори намуналари тўплам ҳолида 1932 йилдан нашр этила бошлади. Катталар томонидан яратиладиган алла, овутмачоқ ва эркаламалар оналар мэхр-муҳаббати билан йўғрилган бўлиб, уларда гўдакнинг истиқболига оид орзу-умидлар, бола яшаётган муҳит ўз ифодасини топади.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар болалар фольклор жанрига хос белгилар, болалар фольклорида ҳудудий ўзига хослик, болалар фольклорини*

қиёсий таҳлил этадилар, ўзбек фольклорда болалар фольклор ўрни ва аҳамияти ҳақида маълумотлар асосида баҳс-мунозара юритадилар.

### **7- амалий машғулот. Халқ томоша санъатида ижрочилик санъатининг намоён бўлиши.**

Ўзбек халқ театри ва томоша санъати анъаналарининг ўзига хослиги, бу фольклор анъаналарининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичларининг тадқиқ этилиши. Ўзбек халқ томоша санъатининг асосий турлари, ижрочилари ва уларнинг репертуари. Масхарабозлик, қизиқчилик, муқаллид ва аскиячилик санъати. Оғзаки драма ва кулки-ҳикояларнинг мавзу йўналиши ва сюжети. Аския жанри ва унинг турлари. Оғзаки драмалар поэтикаси, сюжет ва мотивлар талқини. Томоша санъатининг синкретик табиати.

*Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар халқ томошо санъатининг турлаи, ҳудудга хос оғзаки драма намуналари, аския жанрига хос белгиларни таҳлил қиладилар, ўзбек халқ томошо санъати олимлар томонидан ўрганилганлиги ҳақида маълумотлар тўплаб ўзаро баҳс-мунозара юритадилар.*

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Тест топшириқлари	10	5 балл
2.	Матнларни қиёсий таҳлил этиш		5 балл

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ**

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Ақлий ҳужум** (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

### Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

**Инсерт** - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан таълим олувчига вазифа қилиб берилди. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.  
 (+) – янги маълумот.  
 (-) – мен билган нарсага зид.  
 (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

### Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Таълим методи ва таълим технологияси				
Таълимда интерфаол методлардан фойдаланиш йўллари				
Таълим ва тарбияни ташкил этиш шакллари				

Педагогик технологияларнинг хусусиятлари				
Педагогик технология турлари				
Педагогик технологиянинг ривожланиш назарияси				
Педагогик технологияларнинг самарадорлиги				

### "Қарама-қарши муносабат" методи

Метод ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида асосий ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Методни қўллашда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- мавзунинг умумий мазмуни ёдга олиниб, унинг аҳамиятини ёритувчи таянч тушунчалар аниқланади;
- улар муайян кетма-кетликда қайд этилади;
- тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим ва у қадар муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади;
- жадвал яратилиб, унинг 1-устунига муҳим бўлган, 2-устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади;
- кичик гуруҳлар асосида шахсий ёндашувлар муҳокама қилинади;
- жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.


### "Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим" методи

Ушбу метод талабаларга муайян мавзулар бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Методни қўллаш жараёнида талабалар билан гуруҳли ёки оммавий ишлаш мумкин. Гуруҳ шаклида ишлашда машғулот якунида ҳар бир гуруҳ томонидан бажарилган фаолият таҳлил этилади. Гуруҳларнинг фаолиятлари қуйидаги кўринишда ташкил этилиши мумкин:

- 1) ҳар бир гуруҳ умумий схема асосида ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради ва машғулот якунида гуруҳларнинг муносабатлари лойиҳа бандлари бўйича умумлаштирилади;
- 2) гуруҳлар умумий схеманинг алоҳида бандлари бўйича ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажаради.

Ўқув фаолияти бевосита ёзув тахтаси ёки иш қоғозида ўз аксини топган қуйидаги схема асосида ташкил этилади:

17-шакл





Методдан фойдаланиш уч босқич асосида амалга оширилади, яъни:

1. Талабаларнинг ўрганилиши режалаштирилаётган мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари аниқланади.

2. Талабаларнинг мавзу бўйича мавжуд билимларини бойитишга бўлган эҳтиёжлари ўрганилади.

3. Талабаларни мавзуга оид маълумотлар билан батафсил таништирилади.

Босқичлар бўйича амалга оширилган ҳаракатларнинг тўлиқ тафсилоти куйидагича:

– *Талабалар гуруҳларга бириктирилади;*

– *Талабаларнинг янги мавзубўйича тушунчаларга эгалик даражаси ўрганилади;*

– *Талабалар томонидан қайд этилган тушунчалар лойиҳанинг 1-бандига ёзиб борилади;*

– *Талабаларнинг янги мавзу бўйича мавжуд билимларни бойитишга бўлган эҳтиёжлари сифатида баён этилган тушунчалар лойиҳанинг 2-бандига ёзиб қўйилади;*

– *ўқитувчи Талабаларни янги мавзуга оид умумий маълумотлар билан таништирилади;*

– *Талабалар ўзлаштирган янги тушунчалар аниқланади;*

– *баён этилган янги тушунчалар лойиҳанинг 3-бандига ёзиб қўйилади;*

– *машгулот якунида ягона лойиҳа яратилади.*

### **Кейс -стади методи.**

*Кейс-стади* (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi - таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс – бу реал ҳаётнинг «бир бўлаги» (инглиз терминалогиясида TRUE LIFE).

Кейс – фақат вазиятни тўғри ёритиш эмас, балки вазиятни тушунтириш ва баҳолашга имкон берадиган ягона маълумот комплекси.

Кейсда акс этган вазият, бу реал ёки сунъий ҳодисани институционал тизимда маълум вақтда ҳаётда юзага келишини акс эттиради.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

Муаммоли вазият. Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

Муаммоли вазият. Бунда субъектни ҳозирги шароитда ёки келгусида мақсадига эришишига хавф туғдирувчи вазият тушунилади

**“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш Босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иэрархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг эчимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил эчим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир эчимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил эчимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини эчимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият эчимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**“ВЕЕР” технологияси.**

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айки пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “ВЕЕР” технологияси умумий мавзуни айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

“ВЕЕР” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин:

-бошида: ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

-мавзуни ўрганиш жараёнида; унинг асосийларини англаб етиш:

-яқунлаш босқичида; олинган билимларни тартибга солиш.

Асосий тушунчалар қуйидагилар:

Аспект (нуқтаи назар) билан предмет, ҳодиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёслангандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат-ижобий сифат.

Нуқсон-нонукамаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса-муайян бир фикрга, мантиқий, қоидалар бўйича далилдан натажага келиш.

### **ФСМУ технологияси.**

(Ф) - фикрингизни баён этинг.

(С) - сабабини кўрсатинг.

(М) - мисол (далил) келтиринг.

(У) - умумлаштиринг.

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинар якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда тингловчиларнинг, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятини ўргатади.

Ушбу технологиянинг асосий мақсади тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади:

#### **1-босқич.**

-ўқитувчи тингловчилар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони, ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;

-ўқитувчи ўқув машғулотида аввал ҳар бир тингловчи якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гуруҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида тингловчиларга маълумот беради:

-машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

#### **2- босқич.**

Ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф- фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баён этишга сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатилган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир тингловчи якка тартибда тарқатилган қозоздаги ФСМУ нинг 4 босқичини ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлатади.

### **3 - босқич.**

-Ҳар бир тингловчи ўз қоғозларини тўлатиб бўлгач, Ўқитувчи уларни кичик гуруҳларга бўлинишларини илтимос қилади ёки ўзи турли гуруҳларга бўлиш усулларида фойдаланган ҳолда тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб юборади:

-ўқитувчи ҳар бир гуруҳда ФСМУ технологиясининг 4 босқич ёзилган катта форматдаги қоғозларни тарқатади:

-ўқитувчи кичик гуруҳларга ҳар бирлари ёзган қоғозлардан фикр ва далилларни катта форматдаги умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

### **4 - босқич.**

-Кичик гуруҳларда аввал ҳар бир тингловчи ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гуруҳ аъзоларини таништириб ўтади. Гуруҳ аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гуруҳ аъзолари уларни умумлаштиришга киришади:

-гуруҳ аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар:

-фикрларни умумлаштириш вақтида ҳар бир тингловчи ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

### **5- босқич.**

-Кичик гуруҳларда умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиладилар: Гуруҳ вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди иложи борича изоҳ бермаган ҳолда. Баъзи бўлимларни исботлаш яъни гуруҳнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

### **6 - босқич.**

-ўқитувчи машғулотга яқун ясайди, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

-қуйидаги саволлар билан тингловчиларга мувожабат қилади:

-ушбу технологиядан нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?

-ушбу технологияни ўқув жараёнида қўлланилиши қандай самара берди?

-ушбу технологияни қўлланилиши тингловчиларда қандай ҳислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?

-ушбу технологиянинг ўқув жараёнининг қайси босқичида қўлланилгани маъқул ва нима учун?

-ушбу технологияни дарс жараёнида қўлланилиши тингловчиларга нима беради ва нимага ўргатади?

-ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?

## III. НАЗАРІЙ МАТЕРІАЛІАР

### Ш. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ФОЛЬКЛОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ

##### РЕЖА:

1. Мустақиллик даврида фольклор санъатининг янги мазмун ва моҳият кашф этиши.
2. Фольклор миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири сифатида.
3. Мустақиллик даврида фольклор санъати тараққиёти.
4. Бугунги кун ўзбек фольклоршунослиги.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, янгиланиб, халқ маданияти, маънавиятини ўз мазмунида ифодалаб келаётган бебаҳо меросимиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов: «Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки, маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади», – деб алоҳида таъкидлаганди. Дарҳақиқат, миллий қадриятларни ҳамиша қадрлаш, уларни ҳар томонлама ўрганиб, илмий тадқиқотлар объектига айлантириш фольклоршуносликнинг устувор вазифаларидан биридир.

Ўзбек фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, чоп қилиш ва тадқиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Фольклор жанрларидан эртак, нақл-мақол, топишмоқ, айтишув ва дostonлар алоҳида монографик тарзда тадқиқ объекти бўлди.

Бугунги кунга қадар халқ оғазки ижоди тарихи, назарияси ва амалиёти масалалари юзасидан қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Фольклоршуносликка оид илк қайдлар XII асрнинг улуғ тилшуноси Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида мавжуддир. Шунингдек, Наршахий, Рабғузий, Алишер Навоий, Бобур, Шайх Сулаймон Бухорий, Абулғозий каби шоир ва олимлар ҳам фольклор намуналарини ёзиб олиб, ўз асарларига киритишга муайян ҳисса қўшганлар.

XIX асрнинг 20-йилларида атоқли олим Ҳоди Зарифовнинг фундаментал тадқиқотлари билан ўзбек фольклоршунослигининг назарий асослари яратилди ва бадиий меросни ўрганишга бағишланган бу йўналиш алоҳида мустақил фан сифатида шаклланди.

Ўзбек фольклоршунослиги кўп тармоқли фан йўналиши бўлиб, ҳозирги кунда унинг эпосшунослик, эртақшунослик, кўшиқшуносик, мусиқа фольклоршунослиги каби бир қатор фундаментал тадқиқот йўналишларига эга. Шунингдек, ҳозирга қадар мифология ва қадимги давр фольклори, ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти, маросим фольклори, болалар фольклори, халқ лирикаси, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, ўзбек фольклорининг эпик жанрлар тизими, халқ дostonчилиги, дostonчилик мактаблари ва уларнинг эпик анъаналари, туркий халқлар фольклорининг ўзаро алоқалари ва фольклорда жанрлараро муносабатлар, оғзаки театр ва халқ томоша санъати, халқ мусиқаси ва анъанавий рақс санъатини ўрганишга доир қатор тадқиқотлар силсиласи юзага келган. Атоқли олим Ҳ.Зарифов асос солган ўзбек фольклоршунослиги мактабининг М.Афзалов, Б.Каримов, М.Алавия, З.Ҳусаинова, М.Саидов, Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, Р.Муҳаммадийев, Ҳ.Раззоқов, Т.Ғозибойев, Т.Очилов, А.Қаҳҳоров, М.Муродов, Х.Егамов, Ғ.Акрамов каби хассос вакиллари халқ оғзаки бадиий ижодиётининг турли жанрларига оид материалларни тўплаб, системалаштириш, нашр этиш ва тадқиқ қилиш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Бугунги кунда профессор Т.Мирзайев етакчилик қилаётган бу илмий мактабнинг К.Имомов, О.Сафаров, С.Рўзимбойев, Б.Саримсоқов, Ғ.Жалолов, М.Қўшмоқов, А.Мусақулов, М.Жўрайев, Ш.Турдимов, Ж.Ешонқулов каби тадқиқотчилари



яратган илмий асарлар фольклоршуносликни янги тараққиёт босқичига кўтарди.

Ўзбек фольклоршунослари халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан шуғулланибгина қолмасдан, фольклор намуналарини нашр қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришдилар. «Ўзбек халқ достонлари» силсиласида нашр этилган қатор эпик асарлар, «Ўзбек халқ ижоди» кўпжилдилигининг қирққа яқин томлари чоп этирилганлиги, шунингдек, ўзбек халқ мақолларининг икки жилдлик академик нашри, «Алпомиш» достонининг академик нашри, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган кўплаб алоҳида нашрлар бунинг яққол далилидир.

Биз янги аср остонасида турибмиз. Юз йилликлар аввалида одатда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлади, тафаккурда, онгда янгиланиш юз беради. Бу янгиланиш ўз-ўзидан бўлмайди ва осонгина кечмайди ҳам. Одатда бундай ўзгаришларга ўзок тайёргарлик кўрилади. Шунинг учун ҳам, ХХИ асрга келиб миллий кадриятларга, инсон маънавиятига бўлган эътибор табора ортиб бормоқда.

Маънавиятимиздаги янгиланиш жараёни эса, шубҳасиз, адабий меросимизни, шу жумладан халқ оғзаки ижодини, унинг бадиияти, мифологик қатламини қай даражада ўзлаштиришимиз билан белгиланади. Биз бугун янги адабиёт, тўғрироғи, чинакам адабиёт яратишга ҳаракат қилаётган эканмиз, энг аввола санъатга, адабиётга замин бўлган халқимизнинг қадим мифологик тасаввурларини яхши ўрганишимиз, таҳлили ва тадқиқ этишимиз лозим бўлади.

Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзини, урфи-одатини, анъаналарини, тарихини, бугуни ва келажagini, ўю кечинмалари ва руҳиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиш, англаш, ўзини намоён этиш хислатлари, уринишлари, халқнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган бўлиб, оддийроқ тилда айтадиган бўлсак, халқ ижодини ўрганиш бу бевосита халқнинг ўзини ўрганиш демакдир. Халқ оғзаки ижодини англаш учун эса оғзаки ижод, яъни бахшичилик санъати ҳақида фикр юритиш

лозим бўлади. Бу нарса бизга ижод сирини, унинг юзага келиш ҳолатини билишда, бадий мерос бадииятини чуқурроқ талқин қилишда ёрдам беради.

## **2-МАВЗУ. ФОЛЬКЛОР ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

### *Режа:*

- 1. Фольклор санъатининг тарихий илдизлари ва мазмун моҳияти.*
- 2. Фольклорда тур ва жанрлар уларнинг ўзига хослиги.*
- 3. Ижро санъатининг жанрларда ўзига хос тарзда намоён бўлиши.*

Фольклор (ингл. фольк – халқ, логе – донолик сўзларидан) – фольклор, халқ оғзаки бадий ижоди. Фольклор термини ҳозир халқаро миқёсда кенг тарқалган бўлиб, Ғарб мамлакатларида халқ оғзаки бадий ижодининг турли соҳаларини: оғзаки поезия, халқ музыкаси, халқ рақси, халқ наққошлиги, оғзаки насрий асарлар, халқ урф-одати ва расм-русмлари, эътиқоди билан боғлиқ асарларни ифодалайди. Туркий халқларда фольклор термини халқнинг оғзаки поетик ижодини, шунингдек, халқ кўшиғи, музыкаси ва рақсини англагади. Шунинг учун бу термин билан биргаликда халқ поетик ижоди, халқ оғзаки ижоди терминлари тенг қўлланилади. XX аср бошларида фольклор атамаси ўрнида «оғиз адабиёти», «ел адабиёти», «оғзаки поезия» каби атамалар қўлланилган. Фольклор ўзига хос санъат тури бўлиб, қадимда у мифларга ўхшаш синкретик характер касб этган. Кейинчалик унда сўз санъати етакчилик қилиши натижасида синкретлилик хусусияти халқ кўшиқларида, дўмбира ижросида айтилувчи дostonчилик санъатида ва айрим мавсум-маросим ёки болалар фольклоридагина сақланиб қолган. Ёзув пайдо бўлгунга қадар фольклор оғзаки нутқ имкониятлари асосида яшаб, тараққий этиб келди. Ёзма адабиёт асарларини жанрларга бўлганда, энг муҳим белги сифатида поетик системанинг муштараклиги назарда тутилса, фольклор асарларини жанрларга ажратишда

уларнинг уч хусусияти: а) поетик системанинг муштараклиги; б) асарнинг маиший-ҳаётий функцияси; в) ижро характери назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фольклор жанрлари тўрт турга бўлинади: 1. Лирик тур – халқ кўшиқларининг барча жанрлари. 2. Эпик тур – достон (ёқутларда олонхо кабилар), эртак, ҳикоя, латифа, тарихий кўшиқ, ривоят, афсона ва ҳакоза. 3. Драматик тур – оғзаки драмалар, аския, лапар айтишувлар, масхарабозлик, қизиқчилик ва бошқалар. 4. Махсус тур – халқ донолигининг ифодаси бўлмиш халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, топишмоқлар.

Фольклор жанрлари ва ифода воситалари қадимий бўлиб, улар тарихий тараққиётда ўзгариб боради. Фольклор асарлари халқ ҳаётини, халқ манфаатига боғлиқ тарихий воқеаларни акс эттиради. Унда бадиий тўқима ва халқ фантазияси катта ўрин тутаяди. Тараққиёт жараёнида фольклорнинг у ёки бу жанрлари ўлиб, унинг ўрнига янгилари юзага келиб туради. Бу бевосита халқ ҳаёти, унинг ҳаётий эстетик эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда юз беради. Шунинг учун ҳам фольклор ёки халқ оғзаки бадиий ижоди терминларида «халқ» сўзига алоҳида урғу берилади ва бу нарса бевосита ижоднинг социал моҳиятини белгилаб беради. Демак, айтиш мумкинки, халқ ижоди ҳамма вақт ҳам умуминосний аҳамият касб этади. Чунки у халқнинг орзу-умидларини, интилиш ва қизиқишларини акс эттиради.

Фольклорнинг ёзма бадиий адабиётдан фарқли жиҳатларидан бири унинг оғзаки яратилиши ва тарқалиши, яшаши ва реаллашувидан ташқари, ижоднинг коллектив характерида бўлиши ҳамдир. Фольклорнинг бу хусусияти жуда қадимги замонлар, яъни шахснинг уруғ, қабиладан ажралиб чиқмаган бир пайти билан боғлиқ бўлиб, у кейинчалик ҳам сақланиб қолган. Коллектив ижод тушунчаси яна шу билан изоҳланадики, гарчи асар у ёки бу истеъдод эгаси томонидан яратилса ҳам, бироқ у асар коллектив қизиқишини, ғоясини ва идеалини акс эттиради. Қолаверса, ҳар бир асар кўпчилик томонидан ижро этилиб, умумий анъанавий поетик шаклга келиб

қолади ва натижада унинг конкрет яратувчисини топиб бўлмайди. Шундай қилиб, фольклор асари кўпчилик, яъни коллектив мулкига айланиб қолади.

Фольклорга хос хусусиятлардан бири ижоднинг кучли анъанавийлик доирасида бўлишидир. Бу анъанавийлик фольклор асарлари текстидан тортиб, сюжет барқарорлиги, образ ва мотивларнинг кўчиб юриши, бадиий шаклнинг нисбий турғунлиги кабиларда намоён бўлади. Чунки фольклордаги анъанавийлик нисбатан турғун бўлиб, у бирор ижтимоий формация кишиларига хос эстетик қарашлар даражаси билан боғлиқдир. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, кишиларнинг эстетик қарашларидаги ривожланишлар билан боғлиқ ҳолда фольклордаги анъанавийликда ҳам ўзгариш юз беради. Анъанавийлик фольклор асарларининг оғиздан-оғизга кўчиб юришига, турли ижрочиларнинг бирор асарни оғзаки ўрганиб олиши ва ижро этишига имкон беради. Бироқ фольклордаги анъанавийлик ўз табиати билан новаторликни инкор этмайди. Чунки фольклор кучли анъанавийлик доирасида оғиздан-оғизга ўтиб ижро этилса ҳам, бироқ ҳар бир ижодкор унга ўз улушини қўшади, ўзининг бадиий диди, маҳорати билан боғлиқ ҳолда турли ўзгаришлар киритади. Оқибатда фольклор асарларига хос вариантлик ва версиялик хусусияти келиб чиқади.

Дунё халқлари ёки айрим гуруҳ халқлар оғзаки ижодида сюжет, мотив, образ ёки поетик шаклда ўхшашликлар мавжуд. Фольклордаги бундай типологик хусусиятлар шу халқларнинг ижтимоий ҳаёт, онг таракқиётининг даражаси билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Агар типологик ҳодисалар тил хусусиятлари, этник жиҳатлари билан бир-бирига қардош халқлар (масалан, туркий халқлар) ўртасида юз берса, генетиктипология ҳисобланади. Бир-бирига генетик жиҳатдан алоқаси бўлмаган халқлар ўртасидаги типологик ҳодисалар эса бевосита шу халқлар ҳаётидаги сиёсий-иқтисодий, маданий савиянинг бир хил даражаси, ўзаро маданий алоқа ёки таъсир натижасида юзага келиши мумкин. Типологиядаги бундай ҳолат тарихий-маданий ҳодисадир. Бироқ типологик ҳодиса қай даражада бўлмасин, халқ ижоди ҳамма вақт ўзига мустақил бўлади. Шунинг учун ҳар

бир халқ фольклори ўзига хос жанрлар состави, поетик система, образлар дунёси, шеър шакли кабиларга эга.

Фольклор ўз моҳияти жиҳатидан муҳим тарбиявий, таълимий аҳамият касб этади. Чунки фольклорда халқнинг маиший турмуши, дунёқараши, фалсафий дунёси, интилиши, қизиқиши, руҳияти тўла акс этади. Бундан ташқари, фольклор асарларида табиатнинг гўзал тасвирлари, ҳаётини лавҳалар, моҳирлик билан яратилган образлар мавжудки, уларни ўрганиш бадиий-эстетик тажриба учун фойдалидир. Фольклор асарлари инсон маънавий дунёсини бойитади, ундаги бадиий дидни ўткирлаштиради.

Савол ва топшириқлар:

1. Фольклор ва фольклоршунослик деганда нимани тушунасиз?
2. Фольклорнинг ўрганилиши қайси даврларга бориб тақалади?
3. Фольклоршунос олимларнинг қайси тадқиқотлари билан танишсиз?

### **3-МАВЗУ. БАХШИ – ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ ИЖРОЧИСИ**

*Режа:*

- 1. Фольклор ижрочилик санъатининг тарихий илдизлари.*
- 2. Бахши - фольклор асарлари ижрочиси.*
- 3. Ижодкор бахши ва ижрочи бахши.*

Бахшичилик, яъни эпик анъана авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша оғзаки равишда сақланиб келган санъатдир. Бахши ўз эпик хотирасида ана шу анъаналарни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу эпик анъана янада бойиб, янгиланиб борган. Улар эпик билим ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчилари эдилар. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирани улар ўз қувваи ҳофизасига кўра ижро этганлар. Ижрони эса

улар шубҳасиз ўз устозларидан ўрганганлар, эпик қолипларга амал қилганлар, шу тахлит улар эпос қонуниятини яратганлар.

Бошқа халқларда бахшиларни жанрдан келиб чиқиб номлаш ҳам мавжуд. Қозоқларда жирчи (жирдан), олонхочи (Олонходан), улигерчи (Улигердан), манасчи (Манасдан). Қадимги Грецияда ҳам Аедлар билан Рапсадларни ажратишган. Аедлар шоир бўлишган, рапсадлар эса ижрочи. Худди мана шунинг ўзиёққар бир ижрочи ўзи бир олам эканлиги, ўз услуби, ўз оҳанги, ўз таъби, ўз маҳоратига эга эканлигини, уларга умумий бир нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмаслигини, улар алоҳида алоҳида урганилшга, тадқиқ этилишга муҳтож эканлигини кўрсатади. Қолаверса, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги эпос ҳақидаги, умуман адабиёт, санъат ва илмий тафаккур ҳақидаги илмий изланишларда бахши шоирларнинг нафақат бир миллат ва халқ тақдирида, балки бани инсоният тарихида нечоғли муҳим ўрин тутганлиги ўз исботини топмоқда. XXI-аср остонасида эса дунёнинг етакчи мамлакатларида яна ўз миллий қадриятларига, анъаналарига, урф-одатларига қизиқиш табора ортиб бормоқда. Дунёнинг энг етакчи файласуфлари ўз асарларини яна халқнинг қадимий ананаларига боғлаб ўрганмоқдалар. Зеро бир халқни билиш учун унинг урф-одатларини, анъаналарини, бадий тафаккур наъмунаси бўлмиш халқ ижодини яхшироқ ўрганиш лозим бўлади. Ана шу қатламни билмасдан туриб халқни билиб, тушуниб ҳам, англаб ҳам бўлмайди. Энг муҳими эса унинг эртанги куни, келажаги ҳақида бирон нарса дейиш мушкул бўлади. Шунинг учун ҳам эҳтимол, ХХИ -аср бутун инсоният учун миллий қадриятлар ва ўзликка қайтиш асри бўлади. Эҳтимол, мана шунинг учун жонли эпик ижро ва бахшичилик санъатига қизиқиш табора ортиб бормоқда. Бахшилар, айниқса бахши шоирлар устоз – шогирдчилик анъаналарига жиддий қараганлар. Ўзбек бахшиларининг кўпчилиги ўз устозлари ҳақида деярли сўзлашмайди. Улар ўз қобилиятларини сир сақлайдилар ёхуд илоҳиёт билан боғлашади. Бунга сабаб халқимизнинг бахшиларни, эпик ижодиётни муқаддас деб билишидир.

Эпик қатлам орасида бахшиларнинг ўз санъатини сирли –илоҳий эгаллаганлиги ҳақида турли афсоналар мавжуд. Бу ҳол фақат ўзбек бахшиларига хос хусусият эмас, бу ҳол халқаро миқёсда кенг тарқалган. Бахши бу худо тамонидан танланган одамдир. Ҳамма ҳам шомон бўлавермагани каби, ҳамма ҳам бахши бўлавермайди. Эҳтимол, мана шунга ўхшаш мифологик тасаввурлардан бахшиларнинг илоҳиёт билан боғланиши ҳақидаги қарашлар пайдо бўлгандир. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўлади. Биринчидан, бахшилар билан боғлиқ бундай афсоналарнинг кўпчилигида бахшининг хасталикка йўлиқиши ва бўлажак бахшининг касал бўлиб қолиши ва касалликдан фақат қуйлаш орқали халос бўлиши. Иккинчи ҳолат; бахшининг ўз тушига қаттиқ ишониши. Бахши реал воқеликка қандай ишонса, ўз тушига ҳам, туш билан боғлиқ афсоналарга ҳам чин ҳақиқат деб ишонади. Худди туш каби унинг хаёл дунёси ҳам шу қадар кенг, чексиз-чегарасиз ва бепаёнки, уни фақатгина ўзи каби ижодкор одамгина тушуниши мумкин. Менимча мана шу жараён биз учун муҳим. Бахшидаги қобилиятнинг туш билан, илоҳият билан боғланиш сабабларини ҳақ ким айтиб беролмайди. Бу қобилият унга қандай келди, нега айнан уни қийнайди, азоблайди? Бахшининг ўз қобилиятини сирлигича эгаллаши қанчалар ўрганилмасин барибир сирлигича қолаверади. Бахшини, у яратган эпик ижодиёт наъмуналарини урганар экансиз сиз ўзингиз ҳам табора бу сирга кўпроқ ишонч ҳосил қиласиз, бу мафтункор, сирли ва сэхрли дунёнинг асирига айланасиз. Тасаввур қилинг, юз минглаб мисраларни ёд билиш, уни исталган пайтда ижро этиш ва ижро этганда ҳам ҳар гал янгидан ижро этиш ҳамма санъаткорга насиб этавермайдиган бахт. Бу тасаввурлар эҳтимол, мифологик тасаввурлар маҳсулидир?! Шомоннинг «ўзга дунё» «нариги оламга саёҳати «руҳлар билан мулоқоти» ҳақидаги тасаввурлар маҳсулидир. Бу биз учун сирли, ҳақиқатдан узоқ афсонадек туюлади. Бироқ бунинг ҳақиқат эканига бахши ҳам, халқ ҳам ишонади. Ана шу ишонч туфайли бу дунёқараш бугунги кунга қадар яшаб келмоқда. Бироқ, энг муҳими бирор бир бахши ўз-ўзидан, ёхуд четдан пайдо бўлмайди. Бирор бир бахшини ўрганиш учун у

войега етган муҳитни ўрганиш лозим бўлади. Чунки у ана шу эпик муҳитда катта бўлади, войега етади. Бўлажак бахши ўз тинглаганларини, кўрган кечирганларини, ҳис этганларини, руҳиятидаги товланишларни аста –секин ўз хотирасига жойлай боради. Бизда кўплаб «бахшичилик мактаблари» мавжуд бўлган. Бу бахшиларни тарбиялаб, войега етказадиган бирор бир жой ҳақида эмас, балки ўз ижро усули, мавзуси, эпик репертуари билан ажралиб турувчи бахшиларга айтилади. Бахшичиликка ўқиб-ўргатиб бўлмайди. Бу худо тамонидан ато этилган бир иноятдир. Халқимизнинг ҳар бир сўзида муסיқийлик мавжуд. Эрта тонгдан туриб, то куюш ботгунга қадар биз кўшиқ айтамыз. Бизнинг саломлашишимиз ҳам, хайрлашишимиз ҳам сигир соғсак ҳам, уй супурсак ҳам, ер хайдасак ҳам, баҳор, ёз, куз келса ҳам, қор ёмғир ёғса ҳам, шамол турса ҳам, иссиқда ҳам, совуқда ҳам биз кўшиқ айтамыз. Биз бунга кўшиқ деб атамаймыз. Бу бизнинг оддий сўзлашувимиз. Бироқ бу оддий муружаатда муסיқийлик бор, маълум тизим, маълум форма бор. Эҳтимол худди мана шу муҳит бахши шоирларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнай?

Бизда бахши асосан икки хил маънода: фолбин ва достонларни ижро этувчи маъносида келади. Бахшининг фолбин маноси қадимда бахшининг шомонлик билан боғлиқ тасаввурлардан туғилганлигини кўрсатади. Зеро, қадимда бахши, яъни шомон турли вазифаларни адо этган. Бахши бизда кўпроқ достон ижро этувчи сўз санъаткори сифатида ишлатилади. «Бахши бўлиб кет-ей» иборси ҳам аслида сўзга чечанликни назарда тутаяди.

Эпик ижрочиларни тоифларга бўлишда ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бироқ мазкур масалада аниқ тўхтамга келингани йўқ. Хўш, уларни қандай фарқлаш керак? Бунга фақат бахшичилик мактабларини, ҳар бир бахшининг индивидуал ижро усуллари ва ижоди етарлича ўрганиб чиқилгандагина биз бу масалага тўғри жавоб топишимиз мумкин.

Бахши, бахшичилик санъати ҳақида В.В. Радлов, Ч.Валихонов, М.Ауезов, Ҳ.Зарифов, Т. Мирзайев, Ф.Кўприли, А. Фитрат, А.Лорд, Б.Путилов ва бошқа олимларнинг асарлари мавжуд.



Фольклоршунос олим Тўра Мирзайев бахшиларни уч тоифага ажратади: 1.Бахши - ижчрочилар. 2.Бахши - импровизааторлар 3. Бахши – шоирлар.

Менимча, бу бахшилар ҳақидаги энг тўғри хулоса. Чунки, ҳамма бахшилар ҳам бахши ижрочи, бахши импровизааторликдан чинакам бахши шоир даражасига кўтарила олмайдилар. Санъатнинг бундай юксак чўққисига Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан каби бахшиларимиз эришганлар. Шунинг учун уларни шоир деб аташганлар.

Кўпгина тадқиқодчилар қахрамонлик эпосининг эпик қатламда ҳам бадий асар, ҳам тарихий, ҳам эстетик ва амалий бир асар сифатида қабул қилинишини ёзади. Қахрамонлик эпоси ўзининг дастлаб пайтида мифлогик маросим характерида эди. Даврлар ўтиши билан бу эпик ижодиёт ўзининг дастлабки хусутиятларни йўқотиш билан бирга унинг айрим жиҳатларини ўзида сақлаб қолди. Қадим тасаввурга кўра эпосни куйлаш орқали табиатга таъсир қилиш мумкин деб ўйлашган. Бахшилар куйлар экан, улар бевосита руҳлар билан мулоқатга киришган. Касаликларнинг олдини олиш, табиатга таъсир қилиш,кўрғоқчиликда сув сураш,тошқиннинг олдини олиш,урушда ғолиб келиш, мул ҳосил йиғиш,овда мувафаққиятларга эришиш,фарзанд кўриш, бойликка эгалик қилиш бу ҳаммаси бахшининг вазифасига кирган.Бахши одамлар билан руҳлар ўртасидаги воситачи ҳисобланган.Бахши икки дунёни туташтирувчи кўприк бўлган. Шунинг учун бахшининг ижтимоий мавқеи шу қадар юкасақ бўлган.Ибтидоий инсон тасаввурида сўз илоҳий ҳисобланган.У ҳаракат ва оғзаки ижрони асос қилиб олган. Ҳаракат танники, сўз эса руҳга,руҳиятга тегишли деб ўйлаган. Сўзга кишан солиб, асир қилиб бўлмади дейишган. Шунинг учун ҳам ёзувга қизиқишмаган. Ёзув пайдо бўлгунга қадар оғзаки ижро ўзининг мукамал даражасига етган. Эҳтимол қадим маросимларда такрор ва такрор ижро этилган дуо ва илтижолар тилимиздаги фразеологик бирикмаларнинг, эпик формулаларнинг юзага келишига асос бўлгандир. Шу тариқа Санат ва Магия бир-бирига қоришиб кетган. Даставвал у бир-биридан айро ҳолда тасаввур этилмаган.

Эпик формулалардаги рамзлар, оҳанг ва қатъий тизим даставвал магик функция бажарган бўлса, даврлар ўтиши билан унинг ўрнини эстетик функция ола бошлаган. Шунинг учун ҳам бахши ҳақида сўз юритганда бу санъатнинг шомонизм билан боғлиқ эканини англаш лозим бўлади. Эҳтимол шунинг учун Эпик жараён фақат шомонлик излари яхши сақланиб қолган халқлардагина бугунги кунга қадар яшаб келаётгандир?! Бахшининг:

Эшитганнинг кўнглида армон қолмасин,-

дея айтган мисрасида ҳам ана шундай магик-ритуал тасаввур излари мавжуд. М.Н. Хангалов бурятларда тунда кўркмаслик, ёвуз руҳлардан сақланиш учун Абай Гесер Богда хон ҳақидаги дostonни айтишларини ёзади. Қирғиз жирчиси Келдибек куйлаганда осмонни қора булут қоплаган, йер силкинган. Олонхочи Артаман куйлаганда одамларини хушларидан айрилган, дарахтлар қулаган. Хакаслар эса қахрамонлик кўшиғи руҳларга таъсир қилади, йер ости ёвуз руҳларига етиб боради деб ўйлашади. Қурғоқчилик ва ҳарбий урушлар пайти эпос куйланган. Купгина манабалар Эпоснинг ов пайтида магик функция бажарганини ёзади. Бурятларда улигерлар куйланса ов яхши булишига ҳалича ишонишади. Муғулларда касал бўлганлар «Гесер», яъни муғул эпосини ўқиб тузатишади. Бизнинг бахшиларимиз эса ижро пайтида уларга азиз авлиёлар, эранлар кўмак бериб туришини айтишади. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шомонлик маросимларида эпос ижро этилган ва эҳтимол шунинг учун эпосда шомонлик излари, у билан боғлиқ тасаввурлар яхшироқ сақланиб қолган.

Сибирда шомон ижроси билан бахши ижроси ўзаро ўхшаш эканлиги кузатилган. Олмон эпосшуноси К. Райхл эса шундай бир фактни келтиради: Кет шомонидан қахрамонлик дostonини куйлаб беришни илтимос қилишганда, у айнан шомон гимнини куйлай бошлаган.

Бахши ижро этётган эпик матнда ҳам худди шомонликдаги каби азиз-авлиё ва эранларга мурожаат қилинади. Биз биламизки, шомон асосан руҳлар билан мулоқатга киришган, унинг руҳи у дунёга сафар қилган, турли руҳлар қиёфасига кирган. Шунинг учун ҳам ўз ижросида у ана шулар ҳақида, у дунёга

боргани, ўлиб –тирилгани ва яна бу дунёга қайтиб келгани ҳақида ҳикоя қилган. Биз шунга ўхшаш ҳолатни, бироз ўзгаришга учраган кўринишини эпик бахшилар ижодида кўрамиз. Улар ижро этган дostonлар аслида шомоннинг нарига дунё,ўзга оламга қилган саргузаштини эслатади.

«Қизиғи шундаки- деб ёзади Б.Путилов,- шомонлик матнлари характери жиҳатидан бахши матнларига ўхшаб кетиши кишини янада ҳайратга солади. Улар куйлаган матнлар шубҳасиз эпос намунасидир. Бироқ афсуслар бўлсинки, шомонлик кўшиқлари билан эпик ижро матнлари ҳали жиддий тадқиқ этилмаган»

Шомон ва эпик ижрочининг макон ва замон, олам ва одам ҳақидаги тасаввурлари,бадий тасвир воситаларидаги ўхшашлик ана шундай хулосага келишимизга асос бўла олади. Кўпгина эпик терминларнинг шомонлик терминлари билан ўхшаш эканлиги эҳтимол шундандир. Халқимизда бахши сўзининг икки маънода қўлланиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Евинкларда Нимнгакан ҳам эпик жанрни, ҳам маросим яъни камламок тушунилади. Малайслардаги Паванг термини ҳам шомон,табиб, маросим ижрочиси сифатида келади. Туркий тилдаги «Юмак», «Имак», «Нумах» муғулча «дамағ» – яъни афсона, эртақ, ривоят, қадимги туркча «ём» – шомон ҳикояси маъносидадир. Худди бахши каби шомон ўз хоҳиши билан бўлолмайди. Балки уни руҳ танлайди. Шунинг учун у даставвал қаттиқ касалга чалинади. У руҳлар айтганини қилгачгина у дарддан фориғ бўлади. Шомон ҳам худди бахши каби ўз асбобларини тушида олади.

Шомон ҳам устозга шогирд тушади.Ундан шомонлик маросим сирларини ўрганади. Аста-секин маросимларни ўзи бошқара бошлайди.

Архаик эпосда шомонлик қатлами яққол сезилиб туради.Олимлар «Калевала» эпосининг асосида шомонлик ётишини айтадилар. Ф.Ойнас эса «Калевала»ни шомонлик эпоси сифатида талқин этади

«Алпомиш» достонида Алпомишнинг етти йил зиндонда ётиб, унинг ҳақида «ўлди» деган хабар тарқалиши ва унинг зиндондан сўнг қиёфасини

ўзгартириб, юртига қайтиши беихтиёр шомоннинг нариги дунёга сафарини ёдимизга солади.

Қахрамон Алпнинг нариги дунёга сафаридан мақсад магик қудратга эга бўлиб қайта туғилиш, бир мақомдан иккинчи бир мақомга кўтарилишдир. Шу сабабли турк, жумладан Олтой шомонларининг ҳозиргача сақланиб қолган маросимларида беҳушликда ўзини чавақлаш, бошини кесиб ташлаш, танасини тилка-пора қилиш ҳолатлари учрайди. Шомоннинг бу ҳолати шомоннинг бир мақомдан иккинчи бир мақомга ўтишдаги маросим билан боғлиқ бўлиб, танани тўлиқ инкор этиб, руҳ билан бирлашишни билдиради. Танасини инкор этиб, янгидан туғилган, хомий руҳлар қувватини ўзида жамлай олган шомонга дунёни янгилаш, янгидан куриш имкони берилади.

Алпомиш ўз ёри Барчин кўйган шартларни бажариб, синовдан ўтиб, биринчи мақомга кўтарилган бўлса, унинг мастлик, яъни руҳий бэхушлик туфайли етти йил зиндонда ётиб, сўнг озод бўлиши иккинчи мақомга ўтишини эслатади. Биринчи синов Алпомишнинг балоғотга етганини билдирса, иккинчи мақомга эришиш билан у юртга бош бўлиш, салтанатга эгалик қилиш қудратини ифода этади. Қахрамоннинг зиндонда банди бўлиб, сўнг қиёфа ўзгартириб ўз юртига қайтиши бу унинг нариги дунёга сафар қилганидан, қайта тўғеёиб юксак мақомга эришганидан далолат беради. Хуш Алпомиш нега айнан Қултой қиёфасига кирди? Достоннинг ўғиз версиясида эса қахрамон – Бамси Бейрак далли ўзон, яъни бахши қиёфасига киради. Бу ерда очик ишорат бор. Бироқ Алпомиш достонининг ўзбек вариантларида бундай ишорат йўққа ўхшаб туюлади. Аслида эса Қўлтой қиёфасидаги Алпомишнинг Барчин билан ўлан айтишуви бизга ана шу сирни ошкор этади. Достоннин деярли ҳамма вариантларида ҳам ана шу ўлан айтишув бор. Бироқ ана шу улан айтгунга қадар Алпомиш қиёфаси очилмайди. Аслида эса Алпомишни ҳамма таниб туради. Қалдирғоч унга «Менинг кўзим ўйилмаса танидим, Полвон акам миниб кетган чиборди» дейди. Ўғли Ёдгор:

Қўлтой бўлсанг,

Бундай ишлар келмас қўлингдан ,

Касхал кетган менинг отам бўлмагин, - деб отасини танийди.

Онаси эса: Ҳой дединг банди- бўғиним бўшади,

Соғ суягим жой-жойидан бўшади,

Довушгинанг Алпомишга ўхшади,

Қўлтойман деб, болам мени алдама, - дейди .

Қозон бошида Ёдгорга зуғм қилган ошпазнинг қилиғини кўриб жаҳли чиқиб, унинг олдига келган хотини эрига дошном беради:

Элга Йўлбарс оралади баковул,

Эртан сендай шўрли бундан ўтади.

Ёдгорнинг кўлида илик билан хурсанд юрганини кўриб, сабабини билган Барчин Алпомиш келганини дарров пайқайди:

Қўлтой бобонг сенга илик беролмас,

Қўлтой бўлиб болам отанг келганди.

Ҳаттто Алпомишнинг камонини «Қултой», яъни Алпомиш отганда ҳам сир ошкор бўлмайди. Токи, Алпомиш Барчин билан ўлан айтишиб уни енгагунича у Қултой қиёфасида қолаверади. Худди шу ҳолат Алпомишнинг барча вариантларида, оғуз версиясида ҳам, Ҳомернинг «Одессия» достонида ҳам айнан учрайди. Ўзга юртдан хизматкорининг қиёфасида қайтиб келган Одиссейни ҳам худди Алпомиш каби отаси ҳам, ўғли ҳам, хотини ҳам танийди. Бироқ Одиссей хотинига ўзлари биладиган сирни, яъни шеърый айтишув, ўлан айтмагунга қадар сир очилмайди. Олимлар Ҳомернинг «Одиссея» достони билан «Алпомиш» достони ўртасидаги ҳайротомуз ўхшашликдан чуқур ҳайратга тушадилар. Бироқ А.Лорд Ҳомернинг бахши эканлигини ва «Одиссея» нинг халқ ижоди наъмунаси эканлигини аниқлагач, бу масалага анча ойдинлик киритилди. Биламизки, бахшичилик қадим-қадимдан то бугунги кунимизгача бизда сақланиб қолган. Бу санъат бизга четдан кириб келмаган. Бу санъатнинг бугунги кунимизга қадар бизда сақланиб келинаётганлиги ҳам бунинг далилидир. Қолаверса, А.Лорд ўзининг «Бахши» деган китобида дадиллик билан Ҳомернинг «Иллиада» ва «Одессия» дostonлари билан «Гилгамеш» дostonидаги ўхшашлик ҳақида гапирар экан,

Ҳомернинг даврида ва ундан олдинроқ ҳам юнонларга осиеликлар, жумладан шумерликлар таъсир кўрсатганлигини ёзади. Шумерликларнинг эса туркий қавм деган фаразлар кўпроқ ҳақиқатга яқин эканлигини эса биз илгари айтиб ўтган эдик. Агар «Алпомиш», «Гилгамеш» ва «Одессия» дostonлари қиёсий ўрганиб чиқилиб тадқиқ этилса бу масалага янада кўпроқ ойдинлик киритилиши муқаррардир.

Алпомишнинг ўз хотининг тўйига Қўлтой қиёфасида, Бамси байракнинг далли ўзон қиёфасида ўлан айтиш ҳолати бу мазкур эпоснинг тарихий илдизлари жуда қадимга, шомонлик тасаввурларига бориб тақалишидан далолат беради. Ҳомий руҳқиёфасида қайта тирилган шомон нафақат жисмоний, балки магик қудратга эга эканлигини ҳаи намоиш этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам қадимда шомон ва бахши сўзлари бир манони англатган.

Епос ҳақида сўз юритишдан олдин бахши ва эпик формула ҳақида, тўғрироғи, бахшичилик, бахшичилик анъаналари ҳақида, оғзаки эпик ижодиёт қонуниятлари ҳақида сўз юритиш лозим бўлади. Зеро, эпик формула бу «инсон бадий тафаккурининг юксак бир намоиши, тўхтовсиз оқиб турувчи поетик оқимдир».

Бизнинг бахтимиз шундаки, жуда улкан бир маданий меросга эгамиз. Шу пайтгача бахшиларимиздан юзлаб дostonлар ёзиб олинган. Бундай улкан мерос ҳамма халққа ҳам насиб этавермайди. Бу дostonлар ҳали кўп бор тадқиқ этилади. Биздаги бахшичилик мактаблари кўплаб тадқиқотларга мавзу бўлади. Ҳоди Зарифов, Тўра Мирзайев каби устоз олимларимиз фольклоршуносликнинг мактабларини яратдилар. Улар бир пайтлар кўтарган масалалар, ҳали ўзоқ йиллар урганилиши, тадқиқ этилиши муқаррардир.

Бугун дунёнинг кўпгина фольклоршунослари Ҳоди Зарифовнинг атоқли олим В.Жирмунский билан биргаликда ёзган «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» асарига суяниб иш кўрадилар. Ҳоди Зарифовнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, нашр этиш ва тадқиқ этиш борасидаги

текширишлари, илмий хулосалари ўз даври учун ҳам, бугун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тўра Мирзайевнинг «Ўзбек бахшиларининг эпик репертуари» ва «Алпомиш» достонининг ўзбек вариантлари» рисолаларида жуда катта масалалар илгари сурилди. Бу асрлардаги етакчи илмий хулоса ва фаразлар ҳали кўпгина тадқиқотларга мавзу бўла олади. Эндиликда мазкур рисолада тилга олинган йўналишларнинг ҳар бирини алоҳида мавзу қилиб ўрганиладиган пайт келди. Зеро, жаҳон эпосшунослигида шов-шув бўлган, мутахассислар томонидан нодир асар сифатида эътироф этилаётган икки рисола: А.Лорд ва Б.Путиловларнинг бахшичилик санъатига бағишланган китоблари шуни кўрсатдики, бизнинг олимларимизнинг китобларида келтирилган илмий хулосалар эпосшуносликда жуда муҳим аҳамиятга эга экан.

Одатда биз фольклор ҳақидаги назарий хулосаларимизни, четдан, бирор бир Ғарб олимнинг китобидан оламиз. Бу назарий хулосаларни ўзимизнинг матнларга мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Тўғри, фольклор ҳақидаги умумназария асосан барча халқларнинг фольклорига ҳам тегишли. Бироқ, биз суянган ўша Ғарб фольклоршунослари асосан бизнинг яъни туркий халқларнинг оғзаки ижоди, ўз олимларимизнинг назарий хулосаларига таянганларки, буни биз энди-энди тушунаямиз. Қолаверса, фольклор ҳақидаги ҳар қандай назарий хулоса, жонли ижрога асосланиши, бевосита асл матндан келиб чиқмоғи лозим. Ҳоди Зарифов, Тўра Мирзайев каби устоз олимларимизнинг ютуғи ҳам шунда.

Бугун бизда жонли ижронинг, бахшичилик мактабларининг сақланиб қолганлиги ҳам бизга катта имкониятлар беради. Иккинчи ҳол эса жонли ижро вариантларининг турли нашрларининг юзага келаётганлигидир. Бир достоннинг бундай турли версия ва вариантларга эга бўлиши ажойиб ходисадир.

Бахшига ҳамма замонларда муносабат юқори бўлган. Улар ҳеч қачон даромад ёхуд фойда учун куйлашмаган. Тўғри, улар дўмбирани олиб юрт

кезган. Бироқ буни бойиш учун эмас, балки ўз касбига мэхри туфайли деб тушунмоқ лозим. Эпос ҳамиша халқнинг бадиий тарихи бўлиб, унда халқнинг қаҳрамонлик руҳи акс этган бўлади. Шунинг учун ҳам эпос маълум бир тоифа, бир гуруҳ, бир қатлам эпоси эмас, балки умумхалқ ижоди сифатида намоён бўлади.

Бахши сўзи турли даврларда турлича маъноларни ифодалаб келган. Баъзилар бу сўзни чин тилидаги fo-she (дин ўргатувчи, руҳоний, коҳин), сўздан баъзилар билимли, ўқимишли сўздан олинганини ёзади.

В. В. Радлов эса бу сўз туркча «қам» сўздан олинган деган қатъий хулосага келади. Ҳақиқатдан ҳам бугун туркий тилларда «қамламоқ», яни «боқтирмақ», «қоқтирмақ» сўзлари ишлатилади. Бу фолбинга қаратмоқ, даволатмоқ, маросим ўтказмоқ маъноларини беради. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони Луғотит турк» китобида қам – афусунгар, коҳин маъносида келиши айтилади. Фиод Кўпрули ўзининг бир мақоласида эски уйғур матнларида бахши сўзи коҳин, роҳиб, сўзини англаганини ёзади ва «бахши» сўзи «бҳикшу» сўздан олинган деган тахминни айтади. Қадимда коҳинликни ҳам, фолбинликни ҳам, жарроҳликни ҳам, ҳакимликни ҳам бир киши, яъни шомон бажарган.

Кўпгина тарихий манбалар тарихда бахшиларнинг нуфузи, мартабалари ҳамиша баланд бўлганилигидан далолат беради.

Ислом маданияти кириб келгандан сўнг эса шомонлик билан алоқадор тасаввурлар аста секин унутила бориб, бахши деганда кўпроқ турк ва муғул адабий тилларини тушуна оладиган котиб, маълумотли, зиёли кишини англата бошлаган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида Давлацхоҳ бахши деган бахши ҳақида Яздий малумот беради. «Акбарнома»да эса Мирбахши деган бош бахшининг номи тилга олиб ўтилади. «Кутадғу билик», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Мероснома», «Тазкиратул авлиё» каби адабий меросимизнинг нодир наъмуналари ҳам «бахши» деб аталувчи котиблар тамонидан битилган.



Кейинги даврларга келиб эса бахши деганда соз, яъни бирор бир чолғу асбоби билан дoston куйловчи иждокорлар тушунила бошлаган.

Бизда театрни четдан кириб келган деган тасаввур мавжуд. Ваҳоланки, бахши бу театр: бир актёр театри. Бундан мукамал ва қадимий театрни топиш мушкул. Шундай экан, театр бизга четдан кириб келган деган қараш баҳсли.

Бахшининг ижро пайтидаги ҳолати, турли имо ишоралар, ижрога уйғун ҳаракатлар қилиши, ҳис ҳаёжонга берилиши бу унинг актёрлик маҳоратидан далолат беради. Бахши ижро пайти дoston мазмунидан келиб чиқиб бир дostonни турли оҳангда куйлаган. Қаҳрамонларнинг эмоционал ҳолатини бериш учун ўзини ҳам шу ҳолатга мослаган.

#### Тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
2. Мирзайев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент: Мерюс, 2013. 240 б.
3. Эшонкул Жаббор. Эпик тафаккур тадрижи. – Тошкент: Фан, 2006. – 120 б.
4. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: ФОЛЬКЛОР ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИДА ҚЎШИҚ

Ишдан мақсад – Таълим тизимида мусиқий авангардизмни ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан  
караган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга  
чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**1-илова**

**Биринчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Қўшиқ жанрининг ўзбек фольклор тизимида тутган ўрни қандай?		
Қўшиқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.		
Қўшиқ жанри бадиияти ва ижро санъати нима?		

**Иккинчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Тўртликлардан ташкил топган, куйга, оҳангга солиниб ижро этиладиган шеърини санъатни тушунтириб беринг.		
Одамларга тинч-товулик, ҳосилдорлик, фаровонлик, фарзанд ва фаровон келажак		

улашадиган илоҳа деб тассавур ҳақида сўзлаб беринг.		
Турмушда, фанда, адабиёт ва санъатдаги рамзлар қандай фарқланиши мумкин?		

## 2-илова

### Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Кўшиқ- тўртликлардан ташкил топган, куйга, оҳангга солиниб ижро этиладиган шеърӣ санъат. Туркий халқлар фолклоридаги энг қадимий ва бой жанрлардан бири. Яратилиш асосларига кўра, қадимий инонч- эътиоқод ва тасаввурлар, жумладан, наимистик, тотемистик, шомонлик дунёқараши, култлар, маросим ва удумлар, кундалик маиший ҳаёт билан узвий боғланган, куй ҳамда рақслар билан муносабатини барқарор сақлаб қолган, лирик характердаги шеърӣ саънат намуналари халқ кўшиғи дейилади.

Кўшиқ ҳақида дастлабки маълумот Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» китобида учрайди. Бу халқ кўшиқларининг ўша олис даврларда ҳам ранг-баранг бўлганлигини, тарихий илдизлари жуда қадимий эканлигидан далолат беради.

«Кўшиқ» сўзи «Девону луғотит турк»да «кошуғ», Юсуф Хос Ҳожибда «кошук», Ҳайдар Хоразмийда «кўш», Маҳмуд Умар Замахшарийнинг «Муқаддиматул- адаб» асарида «кўшиқ», Алишер Навоӣ асарларида «кўшиқ», «суруд», «аёлғу», «лахн», «турку», Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобирнонома»сида «кўшиқ» шаклида келганини кўрамыз. Алишер Навоӣ ҳам, Бобур ҳам халқ кўшиқларини назарда тутганда «кўшиқ» калимасини ишлатади. Қолган пайтларда «суруд» ёхуд бошқа бир атамани келтиради.

Қадимда аждодларимиз кўшиқни одамларга тинч-товулик, ҳосилдорлик, фаровонлик, фарзанд ва фаровон келажак улашадиган илоҳа деб тассавур қилганлар. Чўқон Валихонов ёзиб олган бир ривоятга кўра: Бир замонлар кўшиқ ер узра учиб, одамларни куйлашга ўргатган. У аёлдай инжиқ ва гўзал бўлган. Кўшиқ қайси жойда кўпроқ тўхтаб, қувонса, у ерда одамлар сер-фарзанд ва фаровон яшашган.

Гарчанд, бугунги кунга келиб туркий халқларда кўшиқлар турлича ном билан аталсада, уларнинг илдизлари бир. Ўзбеклар-кўшиқ, қозоқ, короқолпоқлар – кўсиқ, туркманлар – айдим, турк ва озорлар кошма, гошма,

турку, уйғурлар - қўшоқ деб атайдилар. Баъзи туркий халқларда қўшиқ туркий ҳам деб аталади. Бироқ қўш ва қўшиқ сўзлари қадимийроқ бўлиб, бугунги тушунчадаги халқ лирикаси маъносини аниқлатади.

Оғзаки ижод намунаси бўлган халқ қўшиқлари билан маълум бир индивидуал ижодкор томонидан яратилган адабий қўшиқ ўртасида ўзаро ўхшашлик ва фарқ мавжуд. Ўхшашлик ҳар иккала қўшиқнинг ҳам мусиқага, оҳангга, маълум бир ўлчов – вазнларга амал қилишидир. Халқ қўшиғи ёзма адабиёт намунаси бўлган қўшиқлардан анъанавийлиги, жамоавийлиги, маиший йўналганлиги, вариантлиги, яъни асрлар давомида халқ томонидан оғзаки яратилиб, оғзаки ижро этилиб, оғзаки мерос қилиб қолдириб келинаётганлиги билан тубдан фарқ қилади.

Узоқ тарихий тараққиёт давомида халқ қўшиқлари мифологик тафаккурдан бадиий тафаккурга айланиб борган. Шунинг учун қўшиқларда қадимий тасаввур излари билан бир қаторда, ўрта асрларда, ҳамда куни кеча ёхуд бугун юз бераётган воқеаларнинг, кечинмалар ўз ифодасини топади.

Қўшиқларнинг асосий қисми бармоқ вазнидаги тўртликлардан иборат бўлиб аруз вазнидаги намуналар ҳам учрайди. Тўртликлар қўшиқнинг энг қадимий намунаси эканлигини мутахассислар эътироф этишади. Қўшиқларда бир хил туроқларга амал қилиниши қўшиқнинг оҳангдорлигини таъминлаб, унинг поетик хусусиятини кўчайтиришга хизмат қилади.

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда, майда-ё, майда.  
 Қалқон туёғим ҳайда, майда-ё, майда.  
 Темир туёғим ҳайда, майда-ё, майда  
 Хирмонни қилгин майда, майда-ё, майда.  
 (Янчиқ қўшиқлари)

Қўшиқларнинг ижро санъатидаги ўрнини ундаги рамзлар тутган ўрни билан белгиланади. Шундай экан энг аввола рамз нима деган саволга жавоб бериш керак бўлади.

Рамзлар турмушда, фанда, адабиёт ва санъатда кенг қўлланилади. Бу соҳаларнинг барчасидаги «рамз» тушунчасини бир-бирига боғлаб турувчи етакчи хоссалардан бири – уларнинг ҳар қайсисида рамз сифатида келаётган, аниқланаётган нарсанинг ўзида бир қанча тушунчаларни жамлаб, турғун ассоциация (имуқуқ) уйғотишидир. Лекин ҳар бир соҳа ўз табиати(сфецификаси)дан келиб чиқиб, рамзларга ўзига хос мезон(кретери)лар асосида ёндошади. Кўпчилик ҳолатларда бир соҳада қўлланивчи рамзлар иккинчи соҳада бу хил вазифа бажармайди.

Турмушда, фанда, адабиёт ва санъатдаги рамзлар вазифа(функция)ларига кўра ҳам фарқланишади. Турмушдаги рамзлар асосан коммуникатив вазифа бажаришса, фандаги рамзлар маълум тушинчаларни

билдиришга, адабиёт ва санъатдаги рамзлар кечинма, ҳолат ва воқеаларни бадиий эстетик англатишга хизмат қилади. Фан, адабиёт ва санъатдаги рамзларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳақида илмий адабиётларда қимматли фикрлар айтилган.

Поетик ижод маҳсули бўлмиш фольклор ва адабиёт ўртасида кўпгина муштарак томонлар мавжуд. Шу билан бирликда уларнинг ўзига хос тузилиши, сфещифик ички қонуниятлари ва бошқа муҳим хоссалари бири-бирдан ажратиб туради.

Фольклорда ижрочи ( у юксак даражада имправизатор бўлса ҳам ) фольклор асарларини ижро этишда, янги асар яратишда асрлар давомида вужудга келган қатий анъаналар доирасидан бутунлай четга чиқа олмайди. Фольклорда турғун анъаналарнинг бузулиши, эскилик ўрнига янгисининг кириб келиши жуда секинлик билан асрлар давомида кечади. Адабиётда анъаналарнинг янгиланишида ижодкор роли катта. Хусусан адабиётдаги шаклий анъаналар жуда қисқа вақт ичида бутунлай янги ўзанга бурилиб кетиши мумкин. Айнан шу ҳолни фольклор ва адабиётдаги поетик образлар, жумладан поетик рамзларнинг қўлланилиши ва тарихий тараққиётида ҳам кўриш мумкин.

Биз бу ўринда даставвал фольклор ва адабиётда рамз дейилганда нимани тушунишимизни аниқлаштириб олишимиз керак. Биз бадиий асарда ( фольклор ва адабиётда ) рамз деб-бирор сўз ( образ ёки детал ) ва сўзлар бирикмасининг ўзи ифодалаб келаётган луғавий маънодан ташқари, шартли равишда турғун ассоциация уйғотишни ва бу ассоциациянинг назарда тутилаётган поетик маънонинг юзага чиқишида хизмат қилишини тушинамиз.

Фольклордаги рамзлар биринчи галда анъанавийлиги билан характерланади. Бу анъана асрлар давомида шаклланиб, кўпчилик ўринларда тарихан халқнинг узок ўтмишига, турли мифологик ишонч эътиқодларга бориб боғланади. Шу сабабли ҳам улар ижрочи ва тингловчига мазмунан бегона бўлмайди. Лекин анъанавийликда примитивликни кўрмаслик керак. Ҳар бир анъанавий рамз конкрет матинда ўзининг янги семантик қирраларини намоён қила олади. Бу эса фольклордаги содда, такрорланмас гўзалликни, сермаъноликни таъминлайди. Фольклордаги кўпчилик рамзларнинг туб поетик маъноси деярли ўзгаришсиз авлоддан-авлодларга ўтади. Янги рамзларнинг пайдо бўлиши адабиётдагига нисбатан секинлик билан кечади. Фольклорда муайян бир асар ёки ижодкорга тегишли индивидуал рамз йўқ. Анъанавийлик, оммавийлик, бир жанрга тегишли асарлар доирасида туб турғун маънолилик фольклордаги рамзлар учун етакчи хоссалар ҳисобланади.

Фольклорга қарама-қарши ўлароқ адабиётдаги рамзлар ижодкор таланти ва иқтидори билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ҳар бир ижодкорда халқ

символикасини, умум адабиётдаги анъанавий рамзларни қўллаш, уларга ўзгача поетик маъно бера олиш билан бир қаторда янги рамзлар яратиш, бошқа адабиёт, халқларга мансуб рамзлардан фойдаланиш имкониятига эга.

Адабиётдаги кўпчилик анъанавий рамзлар тарихан фольклордаги рамзларга бориб боғланади. Лекин улар айнан фольклордаги поетик маънони ташийди деб ҳукм чиқариб бўлмайди. Чунки давр, муаллиф мақсади рамзга янгича поетик мазмун юклаши мумкин.

Фольклор ва адабиётдаги рамзларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатувчи яна бир муҳим хоссалардан бири, асарда рамз ифодалаётган поетик маънонинг намоён бўлишида матн мазмунининг роли масаласидир.

Фольклордаги рамзларнинг поетик маъносини англашда тингловчига йўналиш берувчи асосий омил, шу рамзий образнинг узоқ вақтлар давомида халқ онгида шаклланиб, анъанавий кўриниш олган тасаввурлар тизими бўлса (бу ўринда халқ кўшиқларидаги вазият рамзлар маълум жиҳатлари билан адабиётдаги рамзларга яқин келишини назардан қочирмаслик керак), адабиётда разий образ ифодалаётган ҳақиқий поетик маъно бевосита матн мазмуни орқали юзага чиқади.

Масалан: Саврихоннинг рўмоли,  
Тўзимасми қирғоғи?  
Маҳмудалини куйдирган,  
Қоши билан қабоғи.

Келтирилган тўртликда «рўмол» поетик рамз. Лекин матинда ушбу образнинг рамзий маъноси нима эканлигига бирор –бир аниқ ишора йўқ. Мабодо рўмолни рамз сифатида олмай, ўзининг буюм маъносида англаб, тўртликни талқин этишга уриниб кўрсак, ўта жўн хабарни уқамиз. Бу ўринда рўмолнинг халқ тасаввурида ва кўшиқларида оила рамзи эканлигини назарда тутиб тексга ёндошсак, кўшиқда кўйланган асл ҳолат кўз олдимизда намоён бўлади.

Фольклордаги бевосита табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзларда сўзнинг лексик ва кўчма рамзий маъноси ўртасида боғлиқлик билвосида сезилиб туради. Айни ҳолатни адабиёт ва фольклордаги рамзлар учун умумий хоссалар қаторида санаш мумкин.

Фольклордаги рамзлар жанрлар аро нафақат мазмунан балки ҳар бир жанр табиатига кўра шаклан тафовутларга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан: ўзбек фольклорида дoston жанри композицион қурилиши, баён усули, тасвирлаётган объектни қамров имконияти, ифода шакли ва ҳажм жиҳатлари билан ҳам кўшиқ жанридан кескин фарқ қилади. Бир қанча дostonлардан олинган қуйидаги шеърини парчаларга эътибор берайлик;

Қори йўқ тумансиз тоғда бел борми,



Баҳор бўлса боғда очилган гул борми,  
 Бек Гўрўғли тилла томни кўтарди,  
 Шу косани олиб ичар ул борми.

Ёки

Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин,  
 Кўнгил суйса ёрнинг лаби бол бўлсин.  
 Сендай ўғлон бу ерларга келмайди,  
 Туркманнинг эгаси сенга йўл бўлсин.

Келтирилган мисолларда халқ достонларидан келувчи поетик рамзлар фольклоршунослигимизда эпик клишелар қаторида боғланувчи «Қори йўқ тумансиз тоғда бел борми,» «Баҳор бўлса боғда очилган гул борми»; «Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, ол бўлсин»; «Бир боғчада олма эди, нор эди»; турғун, анъанавий шеърий мисраларда намоён бўлмоқда. Бу анъанавий мисралар «Оҳ тортганда кўздан оқар селоб ёш»; «То ўлгунча сўйлаб турган тил бўлсин»; «Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор» каби эпик килишелардан доимий ассоциция уйғотувчи турғун шеърий мисралар диққат билан кузатилса уларнинг ҳар бирида маълум сўз ва бирикмаларнинг кўчма маъно учун асос бўлаётганлигини илғаш мумкин. Масалан: биргина «Қори йўқ тумансиз тоғда бел борми?» мисрасини олиб кўрайлик.

Туркий халқлар ўртасида тоғнинг улуғ бобо, хомий сифатида қаралувчи инонч қадимдан мавжуд бўлганлигини ва бу мифологик инончнинг турли мазмунли шаклли кўринишлари туркий халқлар фольклорида кенг тарқалган. Ўзбек достонлари таркибида ҳам бу қадим инонч изларини кўплаб учратамиз. Достонларда биргина тоғ билан боғлиқ қатор анъанавий шеърий ифодаларни кўришимиз мумкин. Масалан: «Ерисин тоғларнинг қори эрисин» «Ёмғурда эманмас тоғларнинг тоши», «Манов тоғнинг бошин чолғон тумана». Бу анъанавий шеърий мисралардаги «тоғ» сўзи асосида келиб чиқувчи рамзий маънолар ҳам бевоста юқорида келтирилган умумтуркий мифологик заминга бориб боғланади.

Фольклордаги рамзлар жанрлараро ҳар бир жанр табиати тасвир объекти билан маълум тафовутларга эга. Ўзбек халқ лирик кўшиқлари умумий фактидан келиб чиқиб, поетик рамзнинг икки муҳим типини ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. Ўзак рамзлар.
2. Ҳолат рамзлар.

Бу икки типни бир-бирига мутлақо қарама-қарши деб тушунмаслик керак. Улар кўшиқнинг жонли яшаш жараёнида узлуксиз равишда бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ. Бири иккинчисини тўлдириб боради.

Савол ва топшириқлар:

1. Фольклорда қўшиқ жанрига хос асосий белгиларни таърифлаб беринг.
2. Ижро санъатида қўшиқ бадиияти нимага боғлиқ.
3. Халқ қўшиқларида рамз деганда нимани тушунаси?
4. Рамзга таъриф беринг.

## **2-амалий машғулот: МАРОСИМ ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИ ВА ИЖРО САНЪАТИ**

Ишдан мақсад – Инсонга сихат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага кириб қолган хатти-ҳаракатлар маросим дейилади. Маросимни ўтказиш лайтида ижро этиладиган кўпгиқ ва айтимлар, ўқиладиган афсун ва дуолар маросим фольклорини ташкил этиш.

Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

### Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

### 1-илова

#### Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Ўзбек фольклорининг жанрлар таркибини тутган ўрни қандай?		
Маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.		
Маросим фольклори ва ижро санъати нима?		

#### Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
----------	-----------------	------

Тўртликлардан ташкил топган, куйга, оҳангга солиниб ижро этиладиган шеърый санъатни тушунтириб беринг.		
Одамларга тинч-товулик, ҳосилдорлик, фаровонлик, фарзанд ва фаровон келажак улашадиган илоҳа деб тассавур ҳақида сўзлаб беринг.		
Турмушда, фанда, адабиёт ва санъатдаги рамзлар қандай фарқланиши мумкин?		

## 2-илова

### Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳ-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Кучли анъанавийлиги, турли-туман ижтимоий ҳодисаларни расмийлаштириш, табиат ҳодисаларига таъсир кўрсатишга интилиши билан маросимлар ижтимоий ҳаётда катта ўрин тутди. Маросимнинг руҳий ва эстетик таъсир кўрсатиши, бирор ижтимоий актни уюштириш, йўналтириш функциялари бевосита-та хатти-ҳаракат, сўз ҳамда сеҳр-жоду кудратига эга деб хи-собланган нарсалар воситасида амал қилади.

Ўтказилиш вақти, ўрни ва тарзи, функциялари ва иштирок-чилар состави билан маросим икки катта қисмдан иборат бўл-танлиги учун маросим фольклори ҳам икки қисмга бўлинади. Булар: а) мавсумий маросимлар фольклори ва б) оилавий-ма-иший маросимлар фольклори.

Мавсумий маросимлар фольклори

Ўзбеклар— мавсумий маросимларга бой халқлардан. Бу ма-росимлар эса йилнинг тўрт фаслига оид халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан алоқадордир. Бундан ташқари, ҳеч қандай мавсумий меҳнат билан боғлиқ бўлмаган, аммо фақат қишда ўтказиладиган маросимлар ҳам борки, улар бевосита мавсумий маросимлар таркибида олиб қаралади. Чунки улар йилнинг бошқа мавсумларида ўтказилмайди. Умуман олганда, ўзбек мавсумий маросимлар фольклорини қуйидагича туркумларга ажратиш мумкин.

Баҳорги мавсум билан боғлиқ маросимлар. Баҳор кириши билан дехқон ва чорвадорнинг дала ишлари бошланади. Дех-қон уруғ сепишга тайёргарлик кўриш, лойқа ўтириб қолган ариқларни ковлаш, янги ирригация шохобчаларини барпо этиш билан шуғулланса, чорвадор

яйловларга кўчишга тайёргарлик кўради. Дехқон ва чорвадор турмушидаги барча оғир юмушлар ла илгари ҳашар йўли билан амалга оширилган. Ариқ ва каналлар қазилган пайтида эса «Лой тутиш» маросими ўтказилган.

Лой тутиш характериға кўра аграр маросим бўлиб, қуйидагича ўтказилган. Бирор киши ариқ қазувчилар ёнидан ўтиб қолса, унинг қўлиға кетмон ёки белда лой тутишган. У тутилган лойни кетмон ёки бел билан олиши шарт. Мана шундаға кейин у ўзининг бирор хунарини кўрсатиб, қутулиб кетиши ке-рак: қўшиқчи бўлса, қўшиқ айтиши; бахши бўлса, достон ёки терма куйлаши; полвон бўлса, кураш тушиши; темирчи бўлса, ариқ қазилган учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни таъмирлаб-бериши ёки янгиларини ҳадя этиши лозим. Айтилган хунарлардан бирортаси бўлмаса, белгилаб берилган ернинг ариғини қа-зиб бериши ёки ариқ қазувчиларни меҳмон қилиши керак.

Мазкур маросим ҳақида шерободлик марҳум бахши Бўри-Аҳмедовдан ёзиб олинган биргина маълумотдан бошқа ҳеч қандай материал сақланиб қолмаган. Унинг хабар беришича, бир куни отаси Аҳмад бахши тасодифан Занг каналини қазилганлар олдида ўтиб қолади. Шу пайт ҳашарчилар унга белда лой тутишади. Аҳмад бахши лойни олиши билан ҳашарчиларға муружаат қилиб, қуйидаги шеърини топишмоқни айтади:

Ҳожакам ҳажга кетди,  
Билмадим кужо кетди.  
Ун икки жумуртқадан  
Қирқ саккиз жўжа кетди.

Топишмоқнинг жавоби— бир йил — ўн икки ой, қирқ саккиз; ҳафтадан иборатлигини айтиш. Бироқ ўша пайтда ҳашарчилардан ҳеч ким топишмоққа жавоб топа олмайди. Шундай қилиб Аҳмад бахши ҳашарчилардан қутулиб кетади.

Демак, лой тутиш юмор билан суғорилган маросим бўлиб, у кишиларни меҳнатға руҳлантириш, уларнинг кайфиятини кў-таришға хизмат қилади.

Шох мойлар маросими. Шох мойлар — далаға қўш чиқа-риш маросимини ўтказиш вақти одатда қишлоқ оқсоқоллари-томонидан белгиланган. Ушбу маросимға қишлоқнинг эркагу аёли баравар тайёргарлик кўришган. Ҳар бир хонадон имко-ниятиға қараб хилма-хил таомлар пиширган, қишлоқнинг обод ерлари супуриб-сидирилган, шолча-гиламлар тўшалган.

Маросим ўтказиладиган пайтда кишилар тайёрланган таомларни қўш чиқарилган жойға олиб келадилар. Қишлоқ оқсо-қоли барча тўпланганларға «Ишларингға, бошларингға кушойиш берсин; тани сихатлик, хотиржамликни берсин; худо ёр, пирлар мадаккор бўлсин, Бобо дехқоннинг ўзи тарбият қилсин» деб олқишлар айтган. Мана шундан кейин пиширилган нарсалар қишлоқ аҳлиға тақсимлаб берилади. Кейин қўшға олиб чи-қилган

хўкизларнинг шоҳларига «ёмон кўз тегмасин» деб зи-ғир мойи суртилади ва инс-жинслар — ёмон руҳлардан пок бўлсин, деб исирик солинади.

Дастлабки кўш қишлоқнинг кекса, ҳурматли, невара-чева-рали оқсоқолларидан бири томонидан солинади. У кўш билан далада бир ёки уч марта бориб келгач, бу ишни ёшлар давом эттирадилар. Бир муддатдан сўнг барча қишлоққа қайтиб, шод-хуррамлик қилади.

«Шоҳ мойлар» деҳқон фаолиятининг бошланишидан дарак берувчи маросим бўлиб, у биринчи кун магияси билан боғлиқ. Шунинг учун улар бу кунни янги либосларда, тўкин-сочинлик ҳамда шод-хуррамлик билан ўтказишга ҳаракат қилганлар. Чунки дастлабки кун магияси ҳақидаги тасаввурларга кўра, бирор фаолиятнинг илк бошланиш куни қандай" кечса, у йил мобайнида шундай давом этади.

«Шоҳ мойлар» ўтмишда кенг нишонладиган аграр маросим бўлиб, деҳқон ҳаётига техниканинг кириб келиши билан боғлиқ ҳолда ҳозир ўтказилмай қолди.

Наврўз. Бу Ўрта Осиё халқларида жуда қадимдан кенг нишонланиб келинадиган баҳор байрами. У баҳорги кун ва тун тенглиги пайтида, яъни 21—22 март кунлари нишонланиб, байрам бир ойга қадар давом этган.

Ўзбекларда қадимдан ёмғир чақириш мақсадида ўтказиладиган иккита маросимгина сақланиб қолган. Улардан бири яда (жада) тоши воситасида ўтказиладиган маросим бўлса, иккинчиси ёмғир тангрйси Суст хотинга илтижо қилиш орқали ёмғир чақиришдан иборат.

Ёзги маросимлар фольклоридан фақат шамол тўхтатиш би-лан боғлиқ айрим жанрлар сақланган. Булар «Чой момо» маро-симида ижро этиладиган кўшиқлардан иборат.

«Чой момо» маросими». Узоқ аждодларимиз шамолга ғайри табиий куч-қудратга эга бўлган жонли мавжудот сифатида муносабатда бўлганлар. «Чой момо» маросими эса ана шундай қарашларнинг ёрқин ифодасидир.

«Чой момо» маросими Жанубий Қозоғистонда яшовчи ўзбеклардагина сақланиб қолган. Маросим сурункали давом этган қаттиқ шамолларни тўхтатиш мақсадида ўтказилган. Маросим атамаси шамол маъносини англатувчи чуй сўзидан олинган. Қа-димги туркий халқларда шамол ҳомийси кекса аёл сифатида тасаввур қилинган. Кейинчалик шамол она маъносини аниқроқ ифодалаш учун «чой» сўзига «момо» сўзи қўшилган. Маълум бўладики, «Чой момо» шамол она маъносини англатади ва бу атама ўзбекларда ҳам шамолни жонли нарса сифатида тасав-вур қилишга, у ҳомий куч — кекса аёлнинг фаолиятдан иборат ҳодиса сифатида қарашга асос берган.

Маълумки, ёз ойлари бошоқли экинлар айна етилган, мевалар ғарқ пишган маҳалда сурункали қаттиқ шамол бўлса, етилган ҳосил нобуд бўлиши мумкин. Мана шундай бир пайтда та-биат кучлари олдида ўзларини ожиз сезган ота-боболаримиз «Чой момо» маросимига мурожаат этишдан ўзга чора топа олмаганлар.

Сайрам атрофларида маросим асосан кекса аёллар томонидан ўтказилган: иккита кампир эски уст-бош кийиб, юзларига қора-куя суртиб, қўлларига ҳасса олиб, биттадан калтакни ёғоч от қилиб миниб, «Чой момо» кўшиғини айтишиб, қишлоқ кўчала-ри бўйлаб юришади. Уларнинг кетидан бошларига қизил шолча ёпинган бешта бўйи етган қизлар кўшиққа жўр бўлиб боришади. Улардан кейинда эса етти-саккиз ёшлардаги бола эшакка ми-ниб олиб, хонадонлардан берилган хайр-садақаларни хуржунга солиб юради. Эшакда эса ўқлоғ, кели сопи ва супурги бирга қў-шилиб боғланган бўлади. Шу тариқа маросим иштирокчилари қишлоқнинг барча кўчаларини айланиб, қуйидаги кўшиқни ай-тиб юрадилар:

Чой, чой, Чой момо,  
 Чой момоси ўлибди, ъ  
 Уғли етим қолибди,  
 Боса-боса беринглар.

Матриархат даврида аёл киши сифатида тасаввур қилинган шамол онадан раҳм-шафқат тилаш ҳам бевосита аёллар томо-нидан амалга оширилган. Бироқ ижтимоий ҳаётда патриархат ҳукмдорлик қила бошлаган, айрим жойларда маросим ишти-рокчилари ҳам эркаклар билан алмашган. Демак, даврлар ўтиши билан маросим муайян даражада ўзгаришларга учраган. Маросимнинг ушбу типидан ана шундай ўзгаришлар маълум даражада ўз ифодасини топган:

Чўй, чўй, Чўй мома,  
 Чўй моманинг ўлганига уч кун бўлди,  
 Чўй, чўй, Чўй мома.  
 Уга-уга беринглар,  
 Угилиб қолсин Чўй мома.  
 Йиға-йиға беринглар,  
 Йиғилиб қолсин Чўй мома,  
 Боса-боса беринглар,  
 Босилиб қолсин Чўй мома.

Маросимнинг Туркистон атрофларида ўтказиладиган типидан ижро этилувчи кўшиқ текстида эпик ҳамда эмоционал мотивлар унутилиб, асосан, маросимнинг мақсад ва вазифаси-ш ой-динлаштирувчи буйруқ ва мурожаат мотивлари сақланиб қолган.

Хуллас, «Чой момо» маросими жуда қадим замонларда ки-шилар табиат ва табиат ҳодисаларини жонли мавжудот сифа-тида тасаввур қилиб, уларга сиғинган пайтларда вужудга келган. Тарихий тараққиёт, кишилар онгининг ўсиши оқибатида ана шундай тасаввурлар секин-аста унутила бошлагач, маро-сим ҳам турли-туман ўзгаришларга учраган ҳолда бизнинг кунларимизга қадар етиб келган.

Кузги маросимлар фольклори

Шамол чақириш маросими. Табиат ҳодисалари қадимги аجدодларимиз учун, айниқса, чорвачилик ҳамда деҳқончилик би-лан шуғулланган Урта Осиё халқлари учун гоҳ зарар келтирса, гоҳ фойда келтирган. Бу нарсани ўзбекларнинг биргина шамол-га нисбатаи бўлган муносабатларида ҳам кўриш мумкин. Ма-салан, айнаи ёз палласи шамол зарар келтирувчи нарса санал-са, эрта куз фасли эса ғаллакорлик билан шуғулланган аҳоли учун у айнаи муддао бўлган. Аммо ўжар табиат кишиларнинг бундай истакларига зид ҳолда кераксиз пайтда шамол ҳадя эца, керакли пайтда уни раво кўрмаган. Дарҳақиқат, хирмонда янчилган донни сомондан тозалаш пайтида шамол керак бў-либ қолганда кишилар шамол ҳомийсига илтижо қилганлар ва шамол чақириш маросимини ўтказганлар.

Кўшиқда шамол ҳомийси сифатида Ҳайдар шахсиятига, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг куёви Ҳазрати Алига муро-жаат қилинади. Афсоналарга кўра, Ҳайдар куч-қудрати ва тадбиркорлиги билан барча табиат ҳодисалари, жумладан, шамолни ҳам ўз измида сақлар эмиш. Агар унга илтижо қи-либ мурожаат этилса, у ўзи тутиб турган шамолни қўйиб юборар эмиш. Бу нарса қуйидаги тўртликда кўзга яққол таш-ланади:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир, Моли сенга қолибдир. Боланг сувга оқибдир, Шамолингни қўйвор.

Қишки маросимлар фольклори

Ўзбек қишки маросимлар фольклори ранг-баранг бўлиб, улардан атиги гап-гаштак ва Яс-юсун маросимларигина биз-гача сақланиб қолган.

Оилавий-маиший маросимлар фольклори

Маросим фольклорининг катта қисмини оилавий-маиший маросимлар фольклори ташкил этади. Чунки инсоннинг ёввойи яшаш тарзидан маданий яшаш тарзига ўтиши оила деган му-қаддас нарсанинг юзага келиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошди. Инсоннинг туғилишидан тортиб то вафотигача бўлган ҳаёти бевосита оила доирасида кечади. Оилавий-маиший ҳа-ётда ўтказиладиган ҳар бир воқеа махсус маросимлар орқали кечади ва бундай маросимлар туркуми оилавий-маиший ма-росимлар деб юритилади.

Оилавий-маиший маросимлар ранг-баранг бўлиб, улар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга тўй маросимлари, иккинчисига мотам маросимлари, учинчисига инсоннинг соғлиғи, тўкин-сочинлигини таъминлаш учун хизмат қилувчи сўзнинг сеҳр-жоду қудратига асосланувчи маросимлар мансубдир.

Маросим кўшиқлари – халқ оғзаки ижодидаги турли маросимлар билан боғлиқ, маросимлар жараёнида ижро этиладиган кўшиқлар кўшиқлар. Бундай кўшиқларда инсон ҳаётининг энг муҳим даврлари, бурилиш нуқталари (туғилиш, балоғат, уйланиш, ўлим) ва уларнинг табиатга муносабати ўз аксини топган бўлиб, маиший, психологик ҳамда эстетик функция ҳам бажариб келади.

Маросим кўшиқларининг матни, асосан, халқ тўртликлари ва байтларидан иборат бўлиб, шакли банд ёки банд нақарот хусуси ятларига



эга бўлади. Маросим кўшиқлари ҳар бир маросимнинг ички ғояси ва мазмунини шеър ва куй оҳангларнинг муштараклигида бадиий ифодалаб, тадбир қатнашчиларининг рухий ҳолатига таъсир ўтказди. Ўзбек халқ ижодида мавсумий маросим кўшиқларидан «Бойчечак», «Суст хотин», «Лола», «Сумалак», «Кўш» каби турли мавсум билан боғлиқ маросимларда айтиладиган кўшиқлар. Буларга наврўз байрамларида, баҳор келиши, ёз келиши ёки биринчи қор ёғиши муносабати билан айтиладиган кўшиқлар мансубдир. Бу кўшиқларнинг яратилиши ва ижро этилиши ўтмишдаги кишиларнинг дунёқарашлари билан боғлиқ бўлиб, улар ҳар бир фаслнинг хислатларини турлича изоҳлаганлар ва тушунганлар. Шунинг учун ҳам йил фасллари ва урф-одатлар кўпгина ўзига хос байрам ёки маросимлар билан кутиб олинган! Буларга сумалак мажлиси, наврўз байрами, ерга биринчи кўш солиниши, лайлак келиши, ғаллага биринчи ўроқ тушиши ёки биринчи қор ёғиши билан боғлиқ кўшиқлар мансубдир.

Оилавий маросим кўшиқларидан Алла, Ёр ёр, Ўлан, Марсия кабилар ҳозиргача сакланиб келган. Умуман, маросим кўшиқлари халқ турмушининг турли томонларини ўзида акс эттиради.

Айрим мавсумий маросим кўшиқлари даврлар ўтиши билан лирик кўшиқларга айланган ҳолатлар мавжуд. «Қошингни қора дейдилар», «Кичкинажон – кичкина», болаларнинг «Бойчечак», «Чўчвара қайнайди», «Офтоб чикди оламга» каби кўшиқлар дастлаб фақат мавсум маросимда ижро этилиб, кейинчалик лирик кўшиқлар сафидан ўрин олган.

Маросим кўшиқлари номаросим кўшиқларига нисбатан қадимийроқдир. Маросимлар эса ўз навбатида халқнинг анъанавий дунёқарашини, мифологик тассавурлар ҳосиласини улароқ юзага келди. Халқ кўшиқларидаги поетик образ ёки номаросим лирика жанри маросим воситасида ёхуд халқнинг кўшна тушунча ва тассавури, инончларнинг қайта поетик идроки маҳсули сифатида пайдо бўлишини эътибордон қочирмаслик лозим.

Халқ кўшиқларининг бундай қадим тассавурлар, маросим, урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқлиги ушбу санъатнинг жуда қадимий эканлигини тасдиқлайди.

Ёмғир ёғдириш маросимлари – Баҳорда ўтувчи мавсумий маросимлар тизимида йил қурғоқчилик келган мавсумларда ўтувчи ёмғир чақириш билан боғлиқ Суст хотин, Сут хотин, Сўз хотин, Сел хотин, Сув хотин, Чала хотин, Кўсам-кўсам, Чайла қазон деб номланувчи маросимлар ёмғир ёғдириш маросимларини ташкил этади. Келтирилган атамалар моҳиятан бир маросимнинг турли ҳудудларда айтилувчи ўзига хос номланишидир. Масалан “Суст хотин” маросими қуйидаги тартибда ўтган. Қурғоқчилик даври ёш-яланглар йиғилиб бир болани эшакка чаппа ўтказиб, қўлига сув тўла кади ушлашиб, ёнига икки тошбақани оёғидан боғлаб осиб қўйишган ва уйма-уй олиб юришган. Бола бирор уй олдига келса: “Вой, жоним! Куйдим-ей! Куйдим-ей!” – дебқичқирган. Уй эгалари унинг устига сув қуйишган.

Йигитлар:

Ҳаво ёҳмас бўларми,  
 Томчи томмас бўларми,  
 Саксондаги кампирларни,  
 Сув оқизмас бўларми,  
 Сусти хотин-о, сусти хотин,  
 Кўйлаклари бўз хотин...

Деб кўшиқ куйлашган. Хонадон эгалари йигитларга турли тортиқлар беришган. “Сут хотин” маросимида бир ходанинг теппа қисмига чўп боғлаб, аёл кийимини кийдириб, “Сут хотин” кўшиғини куйлаб, етти уйга олиб боришган. Хонадонлардан йиғилган бўғдой ун қилиниб махсус таом тайёрланган. “Сел хотин” маросимида бошига ғалвир кийган уч хотин кўшиқ айтиб хонадонма-хонадон юришган. Чала хотин, Кўсам-кўсам, Чайла қазон маросимларида ҳам хотин образи асосий ўрин эгаллайди. “Сусти хотин” маросимлари қадим аждодларимизнинг “осмон сувлари”, ёгин-сочин эгаси сифатида қаралган Тиштрия юлдузи култи билан боғлиқ маросимларнинг акс-садоси сифатида баҳоланади.

Ёзги маросим фольклори – Ёзда ўтувчи маросимлар бевосита деҳқончилик мавсумининг ёз даврига тўғри келади. Ёзда ғаллалар ўриб бўлингач йиғилган ҳосилни янчиб олиш учун мавсумда керакли шамолнинг бўлиши ёки аксинча йил қурғоқ келиб чанг-тўзон қуйиннинг тўхташи учун махсус маросимлар ўтказишган. “Чоймомо”, “Ялли момо” шамолни тўхтатиш учун уюширилган маросимлар бўлса, “Ҳайдар”, “Аждар бобо”, “Яланғоч ота” култлари билан боғлиқ ирим-сиримлар шамол чақиришга боғлиқ ташкил этилган. “Обло барака”, “Ҳақулло” маросимлари эса ғалла ўримини тугатиш ва бўғдойни янчиб олиш давомида ташкил этилган. Бу маросим ва ирим сиримларда куйланувчи кўшиқлар ёзги маросимлар фольклори ҳисобланади. “Чой момо” маросимида беш ёки етти нафар бўй қизлар чоршанба, пайшанба, жума кунлари уйма-уй юриб ун ва бўғдой йиғишади. Энг орқада юрадиган қиз кели сопини кўтариб олади. Унинг этагига боғланган спурги судралиб бораверади. Қизлар куйидаги кўшиқни куйлашган:

Чоймомо ўлибди,  
 Ўғли етим қолибди,  
 Боса-боса беринглар,  
 Босилиб қолсин бу шамол.  
 Уга-уга беринглар,  
 Угилиб қолсин бу шамол.

Маросимнинг бошқа бир кўринишида тадбирни бошига чодир ёпинган кампир бошқаради. Бошқа ҳудудда маросимда уч кампир бош бўлиб, унинг изидан етти қиз юради. “Ялли момо” маросимида ушбу кўшиқ куйланади:

Ялли момо, ялли-ё,  
 Ялли момо ўлдиё,  
 Кудуқ суви тополмай,  
 Сирка билан ювдик-о,  
 Бўздан кафан тополмай,  
 Бўйра билан кшмдик-о!

Ялли момо, ялли-ё,  
 Ялли момо ўлди-ё,  
 Ялли момо гуллари,  
 Хазон бўлмай сўлди-ё,  
 Шум шамолнинг онаси,  
 Ялли момо ўлди-ё!

“Ҳайдар” шамол пири Ҳайдарни чақириш учун айтиладиган айтимларга эга:

Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
 Шамолингни қайтар,  
 Боланг кудуққа тушибди,  
 Уйинг қайғуга тўлибди,  
 Ҳайдар, Ҳайдар, келоқол,  
 Шамол бўлиб эсақол,  
 Буғдойи менга фойда,  
 Самонини олақол!

Ҳайдарга атаб айтилувчи айтимларнинг эл орасида турли вариантлари мавжуд. “Аждар бобо”, “Яланғоч ота”га нисбат бериб айтлвчи айтимлар ҳам эл орасида машҳур.

“Обло барака”, маросими бевосита буғдой ўрими сўнгида, охирги башоқларни ўриш вақти ўтказилса, “Ҳақулло” буғдойни янчиш пайти уюштирилиб баъзи худудларда “чош қурди”, “чош оши”, “хирмон оши” деб ҳам юритилган.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек фольклори тизимида маросим фольклори қандай ўрин тутади?
2. Маросим фольклорини таснифлар беринг.
3. Мавсумий маросимлар ҳақида нималарни биласиз?
4. Оилавий -маиший маросим хос жиҳатларни сўзлаб беринг.
5. Маросим фольклоридаги ижро санъати деганда нималарни тушансиз?

## **1-амалий машғулот: ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ ИЖРОСИДА СЎЗ, КУЙ ВА РАҚС УЙҒУНЛИГИ**

Ишдан мақсад – Халқ оғзаки ижоди, яъни фольклор — халқ оммасининг бадиий, ижодий-амалий ва ҳаваскорлик фаолияти; анъанавий моддий ва номоддий маданиятнинг халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор), халқ мусикаси (мусика фольклори), халқ театри (томоша санъати), халқ ўйинлари (рақс), кўғирчоқбозлик, дор ва ёғоч оёқ ўйинлари (халқ сирки), халқ тасвирий ва амалий безак санъати ҳамда техникавий ва бадиий ҳаваскорлик каби ижодиёт турлари. юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

### **Ишни бажариш учун намуна**

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

### **Гуруҳда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**1-илова****Биринчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Фольклор ва постфольклор тушунчаларини тутган ўрни қандай?		
Постфольклорни ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.		
Фольклор ва оммавий маданият нима?		

**Иккинчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Постфольклор тушунчасига изоҳ беринг.		
Фольклор ва постфольклорнинг фарқли жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Фольклор ва оммавий маданият борасида сўзлаб беринг.		

**2-илова****Гуруҳни баҳолаш жадвали.**

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Яратилиши ва ижодий жараёнида кўпчиликнинг иштироки бўлган Халқ ижодининг турлари халқ турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражасига мос равишда шаклланиб, авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга ўтиб, доимий равишда мукаммаллашиб, сайқаллашиб, тобора анъанавийлашиб борган ва ниҳоят, касбийлик (профессионалик) хусусиятига эга бўлган, жонли ижро шароитлари ва кундалик амалиётда бизгача етиб келган. Шунингдек, Халқ ижодининг бир қатор қадимий намуналари ёзма манбаларда, тарихчи ва ёзувчиларнинг асарларида, қоятошларда (Сармишсой,

За-рауцой расмлари каби), археология ва архитектура ёдгорликларида, уй-рўзгор буюмларида сақланиб келган.

Халқ ижоди намуналарида халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий ва маиший ҳаёти, меҳнат фаолияти, табиат ва жамиятга қарашлари, эътиқоди ва диний тасаввурлари, инсон ва оламга нисбатан ҳис-туйғулари, бадиий олами, билим даражаси, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўй-фикрлари ўз ифодасини топган. Халқ ижоди қадимдан ривожланиб келган (қаранг, Ибтидоий санъат). Жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимотининг кучая бориши билан Халқ ижоди жанрларига нисбатан айрим истеъдодли шахсларнинг ихтисослашуви оша борган. Шу тариқа бахшилар, масхарабозлар, қизиқчилар, кўғирчоқбозлар, раққослар, машшоклар, наққошлар, кулоллар, ўймакорлар, каштадўзлар ва ҳоказо каби санъати юзага келган, корфармон ва ишбошилар пайдо бўлган. Аммо унинг яратилиши ва ўзлаштирилишида кўпчиликнинг иштироки, ҳар бир ижро ёки амалиёт қадимдан қарор топган мустаҳкам анъаналар доирасида воқе бўлиши сақланиб келган. Ҳар қандай бадиҳа, ижодий хатти-ҳаракат, янгилик барқарор анъаналар ва устоз-шогирд муносабатлари доирасида рўй берган. Бир томондан, анъаналарнинг ўзи ривожлана борган, иккинчи томондан, ҳар бир ижро ёки амалиёт давомида ўзгартиришлар, янгиликлар киритилган, янги асарлар, вариантлар юзага келган. Қай бирлари унутилиб, ижро ва амалиётдан тушиб қолган.

Халқ ижоди профессионал санъатнинг юзага келиши ва ривожига катта ўрин тутди. Ўз навбатида, профессионал санъат ҳам Халқ ижоди ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда.

Халқ оғзаки бадиий ижоди (фольклор). Инсон нутқи шаклланиши билан халқ оғзаки бадиий иходининг қадимий тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилиқ бадиий тафаккурининг турли шакллари ўз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари билан маҳкам боғланган бўлиб, қадимий одамларнинг диний-эътиқодий ва мифологик қарашларини, бошланғич илмий (емпирик) билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қадимий фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган, балки уларнинг излари ва айрим қисмлари халқнинг яшаш ва турмуш тарзи билан боғлиқ турли-туман тасаввур ва қарашларида, халқ урф-одатлари, удумлари, маросимлари, байрамлари таркибида, баъзи бир ёзма манбаларда, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарларида қолдиқ ҳолидагина сақланиб қолган. Ёзувнинг юзага келиши натижасида халқ оғзаки бадиий ижоди билан тарихан боғлиқ адабиёт ҳам пайдо бўлди. Бадиий матннинг айрим ижодий (ёзувчи, шоир, драматург) фаолият билан боғланиши, муайян ижодий ҳаракат сифатида ёзув билан мустаҳкамланиши адабиётнинг асосий хусусияти бўлиб, инсоният бадиий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан барча эстетик тушунчалар ва бадиий шаклларни олганлигига қарамай, ўзига хос бадиёт қонуниятлари асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз

санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам у билан биргаликда ёнма-ён яшаб келди. Чунки кишилик жамиятининг умумий эстетик талаби ва эҳтиёжи узоқ йиллар давомида фақат адабиёт билан эмас, балки фольклор билан ҳам мус-тахкам боғлиқ бўлди. Сўз санъати бу икки турининг мустақил ривожини, адабиёт ва фольклор асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма-хиллиги уларнинг ўзларига хос специфик хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада адабиёт ва фольклор ўзларига хос муайян эстетик тизим, жанрлар таркиби, бадиий хусусиятларга эга бўлган сўз санъатининг мустақил икки тури — оғзаки ва ёзма тури сифатида ривожланишда давом этди.

Яратувчилик ва ижрочилик жараёнининг оғзакилиги ва унда кўпчиликнинг иштирок этиши (жамоавийлик) халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий хусусиятидир. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлик, оммавийлик, анонимлик (муаллифининг номаълум-лиги) каби кўпдан-кўп белгилари фольклорга хос ижодий жараённинг ана шу бош хусусияти доирасида намоён бўлади. Фольклор намуналари оғзаки яратилиб, аждодлар ва авлодлар алоқадорлигида оғзаки тарқалар ҳамда оммавий репертуардан кенг урин олар экан, бунда бадиий шаклларнинг барқарорлиги (турғунлиги), матндан матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги, ўхшаш сайёр сюжетларнинг кўплиги имконият яратади. Ҳар бир ижодкор (қайта ижод) ва ижрода анъанавий асардаги нималардир ўзгаради, нималардир аввалгисидан бошқачароқ талқин этилади, нималардир қўшилади ёки тушиб қрлади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий муҳит, маиший шароит, эшитувчилар талаби ва ижрочи (ижодкор) салоҳиятига боғлиқаранг, Лекин ҳар қандай ўзгариш, ижро давомидаги қайта ижод асрлар давомида кагийлаш-ган пухта анъаналар доирасида содир бўлади. Демак, жонли оғзаки анъана доирасидаги бадиҳагўйлик фольклор асарларининг кўп вариантларида тарқа-лишига олиб келади.

Халқ оғзаки бадиий ижодининг деярли барча жанрлари турлитуман ижрочи ва ижодкорлар фаолияти билан боғлиқ, Истеъдодли ижодкорлар фольклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш билан бирга оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукаммаллаштирадилар, баъзан янгиларини ҳам ярата оладилар. Бироқ бунда барқарорлашган ва қатъийлашган жамоавийлик анъаналари етакчилик қилади. Айрим жанрлар (масалан, топишмоқ, мақол каби) оммавий характерга эга бўлса, яъни уларнинг намуналаридан ҳар бир киши озми-кўпми айта олса, бошқаларининг (масалан, достон, оғзаки драма сингари) ижроси муайян тайёргарликни талаб қилган. Шу тариқа халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос касбий ижодкорлик юзага келган. Ўзбек фольклорида ижодкор ва ижрочиларнинг касбийлашуви ниҳоятда ривожланган. Бахшилар, эртакчилар, аскиябозлар, қизикчилар, дорбозлар ижрочилиги профессионал санъат бўлиб, уни эгаллаш учун бўлғувчи ижодкор махсус тайёргарлик кўриши ва муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган.

Афсона, ривоят, лоф, латифа, мақол, топишмоқ, эртак, достон, кўшиқ, аския, оғзаки драма ва бошқалар халқ оғзаки бадиий ижодининг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиш билан бирга муайян ижтимоий-маиший функцияларни ҳам адо этадилар. Масалан, хўп майда, хўш-хўш, ту-рей-турей, чурей-чурей каби кўшиқ турлари меҳнат жараёнларига алоқадор бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йиғи-йўқлов, бадик, суст хотин сингарилар ҳар хил маросимлар билан боғ-лиқдир. Фольклор жанрлари ғоявий-бадиий хусусиятлари билан эмас, балки ижро усуллари (якка ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз каби) жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Уларнинг бири куйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошқаси кўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам куйлаш, ҳам ўйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари қанчалик хилма-хил, баъзан ўта функционалланган ва қатъий вазифадор бўлишига қарамай, улар яхлит бадиий тизимни ташкил этади.

Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан узвий боғлиқаранг, Халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар бутунлай йўқолган, янгилари юзага келган. Шунинг учун ҳам уларда кўп қатламлик мавжуд бўлиб, узок ижро давомида бир неча даврлар ўз изини қолдирган. Жанрларнинг босқичли тараққиёти ва тарихий-типологик нуқтаи назардан қараганда, энг қадиги даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, топишмоқ ва мақоллар, олқиш ва қарғишлар, мавсум-маросим фольклори намуналари, меҳнат кўшиқлари кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса, эртаклар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг шакл-ланиши даврида қахрамонлик достонлари яратилган. Кейинроқ романик эпос, лирик ва тарихий кўшиқлар, оғзаки драма, латифа ва лофлар пайдо бўлган.

Халқ оғзаки бадиий ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қийматга эга. У халқнинг тарихи, маишати, урф-одатлари, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзу-умидлари ҳақида кенг билим беради. Унда халқ бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабат ифодаланган. Эстетик сезгилар ривожиди, гўзалликни, бадиий сўз кадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда унинг аҳамияти беқиёсдир. Фольклор профессионал санъат турлари — адабиёт, театр, мусиқа, кино ва бошқалар тараққиётида муҳим рол ўйнади.

Халқ мусикаси (муסיқий фольклор) — оғзаки анъанадаги мусиқа тури. Ибтидоий санъатда пайдо бўлган ўйин усуллари, жоду айтимлари, товушли сигналлардан тортиб халқ ашула ва чолғу куйларгача каби шакллардан иборат. Бошқа мусиқа турларидан, асосан, турмуш жараёни (урф-одат, маросим, байрам ва бошқалар)га бевосита боғланганлиги билан ажралиб туради. Аксарият муסיқий фольклор намуналари соф эстетик ҳодисалар маъносида эмас, кундалик ҳаёт (маиший, меҳнат, маросим ва бошқалар) вазифа-ларини бажарадиган бадиий шакллар сифатида қарор топади. Кўпгина халқ мусикаси намуналари синкретик шакллар бўлиб, буларда куй-оҳанглар сўз (кўшиқ,



терма, лапар), рақс (ўйин-рақс куйлари), томоша (муסיқий томоша) билан уйғунлашган ҳолда юзага келади. Муайян бадиий анъана ва шакл (маалан, оҳанг) андозаларига асосланган халқ муסיқа намуналари турли давр ва шароитда (масалан, тингловчилар ёки ижрочилар таркиби, ижро этиш вақти, жойи ва муҳитига қараб) ўзгаради. Шунинг учун ҳар бир муסיқий фольклор намунасининг бир неча варианты мавжуд бўлади. Халқ муסיқасида минтақавий, миллий ва маҳаллий услублар ажратилади (масалан, ўзбек халқ муסיқасида Бухоро—Самарқанд муסיқа услуби, Сурхондарё—Қашқадарё муסיқа услуби ва бошқалар).

Муסיқий фольклор намуналари бадиий мазмун жиҳатидан эпик (терма, муסיқий эртақ, маддоҳлик, қиссахонлик, афсона куйлари каби), драматик (муסיқий томоша ва бошқалар) ва лирик (қўшиқ, лапар, ялла, мадҳия ва бошқалар) турларга, ижро этиш шароитига қараб — маиший, маросим қўшиқлари, меҳнат қўшиқлари ва бошқа турларга ажратилади. Халқ муסיқаси намуналари халқ (омма) бадиий онгининг маҳсули сифатида ҳаёт кечириб, яқка ҳолда ҳаваскор хонанда (гуянда, халфа ва бошқалар), созанда (дўмбрақаш, дуторчи каби) томонидан, шунингдек, ансамбл ёки жамоавий тарзда ижро этилади. Халқ муסיқаси миллий муסיқа услубининг асоси, бастакор ва композиторлар ижоди, оммабоп муסיқанинг муҳим манбаидир (қаранг, Халқ куйларини қайта иш-лаш). Муסיқий фольклор, ўз навбатида, профессионал муסיқа санъати билан ўзаро чамбарчас алоқада ривожланади. Ҳозирги даврда халқ муסיқа намуналарининг қадимий ва ўзгартирилгани, шунингдек, улар асосида янгидан яратилганлари мавжуд.

Халқ муסיқа чолғу асбоблари хилма-хил. Улар бир халққа (масалан, қирғизларда кўмуз, украинларда бандура) ёки асрий тарихий-маданий алоқадаги турли халқларга (масалан, ўзбек, уйғур, туркман, қорақалпоқларда дутор ва бошқалар) мансуб бўлиши мумкин. Халқ муסיқаси намуналарини ижро этиш муҳити ва бошқалар хусусиятларини ёзиб олиш билан муסיқий этнография, тадқиқ этиш билан муסיқий фольклористика (етномуסיқашунослик) шуғулланади.

Радиф (ар. мингашувчи сўздан) – шеърий мисраларда қофиядан сўнг келувчи сўз, сўз бирикмаси ёки гап. Мумтоз илмий асарларда қофия элементларидаги равийдан сўнг келувчи такрорланган ҳарфлар радиф ҳисобланган. Бугунги кунда матнда аниқ маъно англатувчи, шеърдаги у ёки бу нарсани таъкидловчи мустақил сўз, сўз бирикмаси ёки гапни радиф сифатида тан олинган.

Радиф фақат лирик поезияга мансуб жанрларда қўлланилади. Радиф лирик жанрларга мансуб асар мисраларидаги сўзларнинг қофиядан сўнг келиши; бир асар доирасида тўлиқ қўлланилиши; радиф бўлувчи қисм мустақил сўз, сўз бирикмаси ёхуд гап бўлиши; асардаги у ёки бу маънони таъкидлаб, кучайтириб, урғу бериб келиш лозим.

Дарё сувга тўлаётир, алла,  
Ўғлим менга кулётир, алла.

Ўғлим менга қараб кулса, алла,  
Кўнглим нурга тўлаётир, алла. (Халқ қўшиғи).

Айрим кўшиқларда радиф икки, уч ва ундан ортиқ сўзлардан ҳам иборат бўлиши мумкин:

Кўча –куйинг лой бўлибди, ёр-ёр, ёрона,  
Ўтгани жой бормикан, ёр-ёр, ёрона.  
Оқ юзингга холи тушибди, ёр-ёр, ёрона,  
Ўпгани жой бормикан, ёр-ёр, ёрона. (Халқ қўшиғи).

Ритм (юнонча рхйтҳмос – такт, оҳангдош сўзидан) маром, даврийлик – шеърият, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, амалий безак санъати ва меъморлик турлари шакл ларининг асосий принципи. Назмдаги Ритм товуш асосида пайдо бўлади. Дастлабки шеърларда сатрлар ўлчов жиҳатдан тенг бўлмаган, аммо улар параллел қўйилган, бу эса синтактик параллелизм дейилиб, у шеър тузилишининг фольклор типига хосдир. Хусусан, туркий халқларнинг қадимий шеърларидаги мисраларни аллитерация ва сўз такрорлари уюштирган; бунда ички қофия ҳам қатнашган; сўнг қофия мисралар охирига кўчиб, эвфония (оҳангдорлик) вазифасинигина эмас, Ритм вазифасини ҳам адо эта бошлаган. Шеър тузилишининг тизимларга ва гуруҳларга ажралиши шундан сўнг рўй берган. Шеър тузилишининг фольклор типидан сўнг квантитатив шеър тузилиши пайдо бўлган, у асосан синкретик давр (санъатнинг аралаш ривожланган даври)нинг шеър техникаси бўлган. Муайян, бир-бирига тенг нарсаларнинг бир хил вақт бирлигида такрорланиб туриши.

Бармоқ шеърий системасида мисралардаги ҳижоларнинг ички гуруҳларга – тuroқларга бирлашиши, тuroқларнинг ўзаро нисбати ва уларнинг йиғилиб, ҳар бир мисрадаги умумий ҳижолар миқдорининг аниқланиши, ниҳоят, мисралараро ҳижоларнинг нисбати шеърнинг вазнини белгилашга имкон беради.

Аруз шеърий системасида эса чўзиқ (–) ҳамда қисқа (В) ҳижоларнинг маълум тартибда бутун шеър ёки шеърий парча давомида такрорланиб келиши натижасида ўзига хос рукнлар, рукнлар йиғилиб каттароқ ритмик бирликлар ҳосил бўлади ва шу йўл билан шеърий вазн вужудга келади. Демак, бир хил бирликларнинг гуруҳланиши ва даврий такрорланиши шеърий ритмнинг асосини ташкил этади. Ҳозирга қадар шеърий ритмнинг келиб чиқиши турлича изоҳланади. Баъзи ҳолларда у ёки бу ритм асосида яратилган шеърий асарлар ўта даражада таъсирчан чиққанлиги учун шу ритм бошқа ижодкорлар учун мезон вазифасини ўташи мумкин. Натижада мазкур ритм аста-секин анъанавийлик касб этади. Халқ дostonларидаги шеърий парчаларнинг турлича тасвирий ҳолатлар билан боғлиқлиги юқоридаги фикрни тўла тасдиқлайди.

Рақс — санъат тури. Ҳар бир халқнинг рақс анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида таркиб топиб ривожланган. Раққос ёки раққосанинг

гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш рақсинг асосий воситасидир. Инсоннинг меҳнат жараёни ва борликдан олган эмоционал таассуротлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Дастлаб қўшиқ ва сўз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Рақс асрлар давомида такомиллашиб, барқарор шакл ларга эга бўла борган. Ижрочининг либоси рақс образларига аниқлик беради.

Рақс халқ маросимлари, байрамларининг таркибий қисмидир. Улар билан боғлиқ ҳолда маросим ўйинлари пайдо бўлган. Халқ рақсида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандлик билан боғлиқ мавзулар, шунингдек, халқнинг босқинчиларга қарши кураши ва лирик кайфияти ўз аксини топган.

Рақс мусиқа билан узвий боғлиқ, мусиқа мазмунини образлар воситасида очиб беради. Халқ рақсларида ритм муҳим бўлиб, у мусиқада ўз ифодасини то пади, оёқ, кўл, бош ва тана ҳаракат лари умумий ритмга бўйсунди, бир бири билан боғланади. Туркий халқлар рақслари мазмунини ифодалашда ижрочилар тепки, қарсак, зангдан ҳам фойдаланади. Айрим Рақслар рўмол, пиёла, қадах, қилич, таёқ, қамчи каби буюм билан ижро этилади, баъзан ижрочи халқ чолғу асбоблари (қайроқ, доира, ноғора ва ҳоказолар)да ўзига ўзи жўр бўлади.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон худудида топилган қоятош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда рақс жуда қадимийлигидан гувоҳлик беради. Туркий халқлар рақс санъатининг қадимийлиги, шакл ва турларининг бойлиги аجدодларимиз асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан боғлиқ бўлганидан келиб чиққан.

#### 4-амалий машғулот: ХАЛҚ ТОМОШО САНЪАТИДА ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ишдан мақсад – Ўзбек халқ театри ва томоша санъати анъаналарининг ўзига хослиги, бу фольклор анъаналарининг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичларининг тадқиқ этилиши. Ўзбек халқ томоша санъатининг асосий турлари, ижрочилари ва уларнинг репертуари. Масхарабозлик, қизиқчилик, муқаллид ва аскиячилик санъати. Оғзаки драма ва кулки-ҳикояларнинг мавзу йўналиши ва сюжети. Аския жанри ва унинг турлари. Оғзаки драмалар поетикаси, сюжет ва мотивлар талқини. Томоша санъатининг синкретик табиати юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг

моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун жасайди.

Машғулоти баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Халқ театри анъаналарининг М.Қодиров томонидан ўрганилиши. Унинг асарларида оғзаки драма, масхарабозлар ва қизиқчилар репертуаридаги асарлар таҳлили. Р.Муҳаммадийев ва аския жанрнинг тадқиқ этилиши.

Темур ва темурийлар даврида томоша санъати. Халқ театри анъаналарининг локал типлари ва етакчи ижодий мактаблари. Оғзаки драма ва томоша санъати анъаналарининг оммавий байрамлар ҳамда халқ сайилларидаги ўрни.

Оғзаки драма — халқ ижодининг мустақил тури. Унинг маъ-носи халқ орасида оғзаки тўқилган саҳнавий асарлар намойишини англатади.

Оғзаки драма жуда қадим замонларда вужудга келган ва ҳозирга қадар халқ онги ахлоқий нормалари, хусусан, бадиий ид-роки ва эстетик дидини тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнаб келган.

Турли хил ўйин-кулгилар, драматик ҳолатлар, ҳар хил қиёфага киришлар, монолог ва диалоглар, саҳна ҳаракатлари ва овоз оҳанглари оғзаки драманинг жанр белгилари ҳисобланади. Бинобарин, оғзаки драма ўз ичига турли хил ўйин, тўй, базм, маросим, сайлларни ҳамда эртакчи, бахши, ноқил, қиссахон ва ровийларнинг ижрочилик санъатини қамраб олган.

Оғзаки драма билан фольклор театри атамалари, асосан, томоша кўрсатиш маъносини англатади. Чунки фольклор театрини ташкил этувчи халқ ўйинлари ва халқ маросимларининг турли хил намуналарида саҳиа ҳаракатлари, турли хил овоз оҳанглари, музика текст билан боғлиқ ҳолда келади. Бошқача айтганда, оғзаки драмани намойиш этиш ва унинг барча воситалари фольклор театрини ташкил этади.

Оғзаки драманинг ўзига хос белгиларидан бири саҳнада профессионал қизиқчи ва масхарабознинг қатнашувидир. Қизиқчи ва масхарабоз у ёки бу асарни бирор қиёфага кирган ҳолда ижро этади.

Оғзаки драма аскиябоз, қизиқчи, масхарабозлар яшаган жойларда ташкил топган бўлиб, сатира ва юморга асосланиши билан характерланади. Бундан ташқари, ҳар бир асар ва ижро-чилар ҳаракати контраст асосига қурилади. Шунинг учун ҳам оғзаки драма томоша кўрсатиш баҳонасида ҳаёт қийинчиликлари, диний ва синфий муносабатларни фош этган, томошабинга маънавий завқ бағишлаб келган.

Оғзаки драманинг ғоявий-тематик йўналиши ранг-баранг бўлиб, асосан, очкўзлик, кўзбўямачилик, золимлар зулми, адолацизлик, зўравонлик, маиший бузуклик, порахўрликни ҳажв қилиш, жузъий камчиликларни енгил кулги воситасида танқид қилишдан иборатдир.

Оғзаки драма шаклига кўра иккига бўлинади. Бири — масхарабоз ва қизиқчилар театри, иккинчиси — кўғирчоқ театри.

Масхарабоз ва қизиқчилар театри. Масхарабоз ва қизиқчилар театрида ҳозирги театр тушунчасида мавжуд барча белгилар кўзга ташланади. Хусусан, драматургия, ўзига хос сахна, қизиқчи актёрлар, музыка ва бошқалар.

Масхара—мазахни, масхарабоз эса муайян текстга асосланиб, ҳажвий томоша кўрсатувчи кулги устасини англатади. Шунинг учун ҳам қизиқчи ва масхарабоз халқ театрининг актёрлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ҳазил-мутойиба ёки ҳажв йўли би-лан золим бой ва мунофиқ руҳонийларнинг сир-асрорини фош этади.

Бухоро, Хоразм ва Фарғонада масхарабозлар театри мавжуд бўлган. Бундай халқ театрлари, асосан, очиқ майдон ва сайлларда ўз томошаларини кўрсатганлар. Масхарабоз ва қизиқчилар театрининг ходимлари аскиябозлар, масхарабозлар, қизиқчилар, муаллақчи дорбозлар, найрангбозлар, хуққибозлар, шунингдек, созандалар, ўйинчилар ва бошқалардан иборат бўлган. Бироқ булар орасида қизиқчилар, кичик-кичик шўх ҳажвий кўринишларни ижро этувчилар асосий ўринни эгаллаган.

Бу театрнинг икки хил шакли бўлган. Унинг биринчи хил шаклида томошани маълум текст (оғзаки драматургия)га асосланган ҳолда икки, уч санъаткор артист ижро этади: Иккинчи хил намунасида эса томоша маълум текстга асосланган ҳолда бир актёр ижросида содир бўлади. Театрнинг бу шаклида актёр текстдаги ижобий ва салбий образларни бир ўзи ижро этади. Демак, у маълум ҳаракатлар билан икки образни яқка ўзи маҳорат билан ўйнаган. Бундан ташқари, тақлидга уста актёр турли қушлар, ҳайвонлар овози, хатти-ҳаракати орқали маълум шахслардан бирининг характери, хулқ-атвориغا тақлид қилиб пантоми-малар кўрсатган. Бу ўринда «Юмронқозик», «Бедана», «Хўроз билан товук» пантомималари характерлидир.

Текстга асосланган театрда кўпроқ оғзаки ҳикоялар инссенировка қилинган. Масалан: «Улик ювиш», «Судхўр бой», «Намоз» кабилар севилиб ижро этилган.

Масхарабозлар театри бир группага уюшган ҳолда фаолият кўрсатган. Юсуф қизиқ, Ака Бухор, Орифжон Тошматов группалари халқ орасида маълум ва машҳур бўлган. Ҳозирга қадар кўқонлик Зокир эшон, Усмон қизиқ, Баҳром новча, Саъди махсум, Мўмин қишлоқи, Холматмеш, Бахтиёр бўқоқ, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Сулаймон қори, Охунжон қизиқ, Исроил хў-роз, Лўм-лўм Мамажон, Ака Бухор Зокиров, бухоролик Тўла масхара ва Гадоё масхара, андижонлик Орифжон Тошматов, Зокиржон Овулов, Иброҳимжон Тешабойевлар сингари профессси-онал қизиқчи, масхарабозлар аниқланиб, уларнинг репертуарлари ўрганилган.

Оғзаки драма асарлари тематикаси ва сюжетнинг узун-қис-қалигига кўра ҳар хил бўлганлар. Бундай асарларнинг айримлари асосида сатира, айримлари асосида юмор ётади.

Драматик асарлар, асосан, монолог ва диалоглар шаклида бўлиб, уларнинг ижросида мавжуд қизиқчи ва масхарабозларнинг овоз оҳанглари, шартли ҳаракат ва пантомималар, қўшиқ ва байтлар воқеалар ривожини таъминлайди, уларни ажойиб санъат асарига айлантиради.

Комедияларда халқнинг нозик, жозибали тил воситалари устун. Персонажлар нутқида кўчма маъно англатувчи сўз ва иборалар кўп ишлатилади. Айниқса, «Бу беодобнинг эти сиз-ники, суяги бизники», «топганини қорнига уради», «муллалар ўликдан олмаса, қайердан олади» каби жумлалар енгил, киноя-ли кулги кўзғаб, салбий хусусиятни фош этади.

Комедияларда воқеа ва ходисалар, хусусан, образлар бир-би-рига зид кўйилади. Бу приём асар моҳияти ва ғоявий мазмунини тўлиқ очилишига, энг муҳими, персонажлар характерини аниқ белгилашга кенг имкон яратади.

Кўғирчоқ театри. Кўғирчоқ театри оғзаки драманинг ўзига хос жанри ҳисобланади. Бу жанр халқ ҳаёти, ахлоқ нормалари ҳамда синфий муносабатларни сатира ва юмор воситасида тўлиқ намойиш қилиб келган. Кўғирчоқ театри энг аввало қизиқ-чи ёки масхарабоз эмас, балки ёғочдан ясалган турли хил кўғирчоқлар иштирок этиши билан ажралиб туради. Кўғирчоқлар кўғирчоқбоз ҳамда корфармонлар<sup>1</sup> томонидан жонлантирилади.

Кўғирчоқ театри қадимда ўз томошаларини сайилларда, бозорларда, халқ йиғинларида намойиш қилиб келган. Халқ орасида машҳур бўлган «Полвон Качал саргузаштлари», «Тегирмончининг уйланиши», «Саркардалар» номли комедиялар сатира ва юморга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу комедия томошабин қалбида эстетик завқ, озодликка ишонч туйғуларини уйғотган, адолацизлик ва мунофиқ руҳонийларни фош этиш вазифасини ўтаган.

Кўғирчоқ театрининг тарихи жуда узоқ тарихга бориб та-қалади. Чунки унинг пайдо бўлиши қадимий урф-одат ҳамда маросимлар билан боғланади. Айниқса, ибтидоий жамиятда ки-шиларга нисбатан нотабиий кўринган ходисаларни таърифлаш мақсадида ясалган рамзий шаклларга топиниш кабилар кўғир-чоқбозликнинг генетик асослари ҳисобланади. Рамзий шаклларнинг кўғирчоқбоз кўлига ўтиб танқидий вазифа адо этиши мифологик эътиқодларнинг кучсизланиши ва йўқ бўлиши билан бошланган. Кўғирчоқ театрининг дастлаб «Чодир жамол», «Чодир хаёл», «Фонус хаёл» сингари уч хил тури мавжуд бўлган. Бу театрларнинг ўзаро фарқи, асосан, кўғирчоқлар ҳарака-тининг юзага келиши билан белгиланади.

«Чодир жамол» театрида кўғирчоқлар ҳаракати бармоқлар воситасида юзага келади, яъни кўлга кийдирилган кўғирчоқлар бармоқлар ҳаракатида жонланади. Бу театрда асосан «Полвон Качал саргузаштлари» ўйналган.

«Чодир хаёл» театрида кўғирчоқлар ҳаракати иплар ёрда-мида амалга оширилган. Кўғирчоқларни ҳаракатга келтираётган қора иплар қора парда

фонида кўринмайди. томошабинга кўғирчоқлар ҳаракати ғайри табиий туюлган. Бу театрда, асосан, «Саркардалар» комедияси ўйналган.

«Фонус хаёл» театрида томошабинлар кўғирчоқ ва кўл бар-моқлари ёрдамида турли хил шакллар соясини тушириш орқали кўрсатилган. Машхур кўғирчоқбозлар орасида тошкентлик Шофайзи (1870—1930), бухоролик Дониёр бобо (1876—1962), Холмурод бобо (1897—1967) ҳамда Ражаб мешкоб (Бухоро), Маҳмуд меҳтар (Самарқанд), Турсунбой Абдижабборов (Тошкент) ка-билар халқ ўртасида эътибор қозониб, машхур кўғирчоқбозлар сифатда шуҳрат топган.

Аския—ўзбек халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри бўлиб, асосан, тўй-томоша, йиғинлар ва сайловларда ижро этилади.

Аския арабча закий сўздан олинган бўлиб, сўзамол, зако-ватли, ўткир зехли деган маъноларни англатади. Закий сўзининг кўплик шакли азкиё бўлиб, у кейинчалик талаффузда ўзгариб, аския шаклига келиб қолган. Аския ижрочилари аския-боз, аскиячи деб юритилади.

Аския — сўз ўйини, кўчма маъноли сўз ва жумлаларни илғаб олиш ва унга жавоб топа билиш, шама қилиш санъати-дир. Аскиябозлар тарафматараф бўлиб олиб, қочирим сўзлар билан аския бошлайдилар, тингловчилар эса у ёки бу томоннинг сўзга чечанлиги, ҳозиржавоблигидан мамнун бўлиб кузатадилар. Томонлардан бири устун келганда, кулги қаҳқаҳага айланади. Тингловчи ишқибозлар ўша томонни маъқуллаб, чапак чалиб олқишлайдилар. Аския тортишувида ақл-идрок ва ҳозиржавоб-лик талаб этилади.

Аския ҳозиржавоблар мусобақаси экан, сўзга чечанлик унинг маҳорат мезони саналади. Аския давомида аскиябозларнинг зукколиги, чандиш, бадиҳагўйлик санъатига мойиллиги халқ қилувчи вазифани адо этади. Аскиябознинг мана шу хусусияти цртишувда зарур ва керакли сўзларни топа билиш, ўз ўрнида ишлатиш маҳоратини намоён қилади. Демак, аскиячи сўзга чечан, зукко бўлиши шарт.

Аския композицияси тугалланган икки фикрнинг бир-бирига қарши қўйилишидан ташкил топади. Ҳар бир фикр ўзига хос тугун ва ечимга эга. Қарши қўйилган фикрлар ўзаро бир-бири-ни инкор этиши ёки тасдиқлаши, кучайтириши лозим. Ана шу фикрлар асосида сатира ва юмор мавжуд. Демак, ҳар бир аския пайровида икки хил кулги мавжуд. Сатирик кулги рамзий ёки кўчма маънода айтилган сўз ёки ибора асосида юзага келади. Чунки, аскиячилардан бири мисолида ярамас иллатлар очилади ва захарханда кулги кўтарилади. Кулгининг иккинчи хилида аскиячилардан бири ноқулай ҳолатга тушиб қолади.

Аскиянинг турлари жуда кўп. Шулардан анъанага айланган тури пайров деб аталади. Унинг иккинчи хили кичик, ихчам-лашган савол-жавоб шаклига эга. Бу турга «Бўласизми», «Ух-шатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз» кабилар киради. Аскиянинг бу хили нисбатан дастлабки тур саналади. Унинг учинчи хилига эса «Тутал», «Раббия» шакллари киради. Аскиянинг бу хил турлари асосан тўй ва сайилларда, байрамларда, гап-гаштак ва чойхоналарда ижро этилади.

Аскиянинг пайров тури муайян тема атрофида ижро этилади. Пайровда аскиябознинг «рақиб»ига айтган сўз ва жумласи кўчма маъно касб этиши шарт. Бундан ташқари, у истиора, ўх-шатиш, сифатлаш каби бадий тасвир воситалари, таносиб, тажнис, муболаға сингари ифода воситаларидан кенг фойдалана билиши керак. Аския пайровларида аскиябоздан қарши томоннинг, жавоб қайтараётган аскиябознинг кўриниши, харак-терли қилиқларига мос лақабни топа билиш талаб этилади. Пайров давомида сўз ёки жумлалар орасига қистириб юборилган лақаб, сўз ўйини ёки лутф орқали қарши таоаф — аскиябознинг портретига шама қилинади. Бунга жавоб қайтарувчи ас-киячи ундан кучлироқ ҳажв қилишга уринади. Ҳазил-мутойиба нафосат доирасидан четга чиқмайди. Мева, парранда, деҳқон-чилик, пахта, ашула, кино, театр номлари. чорвачилик, имо-рат қуриш, фасллар, китоблар темасида пайровлар айтиш анъ-анага айланган. Шулардан ашула пайрови шундай бошланади.

Савол ва топшириқлар:

1. Халқ томошо санъатининг турлари ҳақида сўзлаб беринг.
2. Худудга хос оғзаки драма намуналарига мисоллар келтиринг.
3. Аския жанрига хос белгиларни кўрсатинг.
4. Ўзбек халқ томошо санъати қайси олимлар томонидан ўрганилган?

#### 5-амалий машғулот: ФОЛЬКЛОР ИЖРОЧИЛИК САНЪАТИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Ишдан мақсад – Вариантлик ҳодисаси ҳар бир фольклор жанрида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қўшиқлардаги вариантлик, эртак ёки дostonдаги вариантликдан тубдан фарқ қилади. Бадий жамоалар фаолиятида фольклор намуналарининг вариантларидан фойдаланаётганда, биринчи галда қайси жанр намунаси ва қандай мақсадда ундан фойдаланиш кўзда тутилганлигини инобатга олиш зарур бўлади. Албатта бу ўринда фольклор асарларининг вариантлик борасидаги илмий қарашлардан етарли даражада хабарборликни талаб этади. Фольклор намуналаридаги вариантлик ҳодисасини биз эпик жанрларда, жуммладан, дostonларда янада яққалроқ намоён бўлиши юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш



мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун жасайди.

Машғулоти баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

#### **Гуруҳда ишлаш қоидалари**

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

7. Индивидуал ўқиш-2 минут.
8. Муҳокама қилиш –3 минут.
9. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
10. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
11. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
12. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

**1-илова**

#### **Биринчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Фольклор ва постфольклор тушунчаларини тутган ўрни қандай?		
Постфольклорни ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.		
Фольклор ва оммавий маданият нима?		

#### **Иккинчи гуруҳ учун вазифа.**

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
----------	-----------------	------

Постфольклор тушунчасига изоҳ беринг.		
Фольклор ва постфольклорнинг фаркли жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Фольклор ва оммавий маданият борасида сўзлаб беринг.		

## 2-илова

**Гуруҳни баҳолаш жадвали.**

Гуруҳ-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					

Постфольклор луғавий маънода фольклордан кейин деган маънонаи англатади. Бироқ постфольклор ҳодисаси фольклорнинг бугунги ҳолатини, бугунги жараёнини англатади. Постфольклор атамасини Сергей Юрьевич Неклюдов томонидан 1995 йилда киритилган. Постфольклор нималигини англаш учун энг аввола фольклорга хос бўлган хусусиятларни англаб олиш жоиз. Булар:

1. Анъанавийлик. 2. Жамоавийлик. 3. Ваариантлилик.

Постфольклор ҳар учала жараёнга у ёки бу даражада риоя этмаслик, ундан чекинишни билдиради. Мисол учун анъанавийлик постфольклорда бир мунча фаркли кечади.

Жамоавийликдан кўра индивидуал хусусиятлар устунлик қила бошлайди.

Вариантлилик ҳодисаси секинлашади. Ёки унинг бузилиши ҳодисаси юзага келади. Яъни ижрочи энди устоз шогирдчилик анъаналари билан эмас, китоб, радио, телевидения ва бошқа тармоқлар орқали ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Постфольклорга хос жараёнлар ҳар жанрда ўзига хос тарзда кечаётганини, бирида секин, иккинчисида тезроқ юз бераётганини кўраимиз.

Ҳар бир ҳудудга хос тарзда намоён бўлади. Айрим ҳудудларда тезроқ, айрим ҳудудларда секинроқ юз бериши мумкин.

Версия (лотинча версио — шакл, кўри-ниш) — халқ оғзаки ижодида сюжети ва жанри бир хил, бироқ сюжет турли ўзгаришларга учраган, композицияси ва ғоявий-бадий хусусиятлари жиҳатдан кескин фарқ қилувчи халқ оғзаки ижоди намуналари. Масалан, «Алпомиш» достони ўзбек, қорақалпоқ ва қозоқ Версияларида кенг тарқалган. Булар ҳам ўз вариантлариларига эга. «Гўрўғли» достони ҳам худди шундай. «Гўрўғли» достонининг ўзбек, туркман, озарайжон, турк, уйғур ва бошқа версиялари мавжуд. Айни пайтда бу версияларнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Жумладан «Гўрўғли» достони ўзбекларда юзга яқин дostonни ўз ичига

олиб, кўплаб вариантларга эга. Бундан кўриниб турибдики, вариантга нисбатан Версия тушунчаси кенг бўлиб, у вариантларни ҳам ўз ичига олади, вариантларда ифодаланган ғоялар, бадий-тасвирий воситалар мажмуидан иборат бўлади.

Маълумки, вариант ёки вариантлилик фольклоршуносликнинг туб назарий масалаларидан бири бўлиб, халқ оғзаки ижодининг табиатини намоён этувчи коллективлик, оғзакилик, анъанавийлик, анонимлик каби асосий хусусиятлар қаторида туради. “Халқ дostonларида вариантлилик традиция ва импровизация билан, фольклор текстидаги барқарорлик ва ўзгарувчанлик билан маҳкам боғлиқдир. Вариантлилик фольклор табиати, унинг эстетикаси, яратилиш ва жонли оғзаки ижрода яшаш қонуниятлари ҳамда функциясидан келиб чиққан хусусиятдир. У фольклорнинг ҳамма томонлари ва элементлари, сюжети, образлиги, стилистикаси, умуман поетикаси ва жанр хусусиятларини қамраб олувчи универсал белгидир.”

Ўзбек фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг асосий хусусиятларидан бири бўлмиш вариантлилик масаласига амалий ва назарий жиҳатдан етарли даражада эътибор қаратилган деб айтишга тўлиқ асосимиз бор. Бу жабҳада ҳозирга қадар амалга оширилган илмий-назарий, амалий ишлар фикримизни тасдиқ этади. Мавжуд ишларни жамлаб, саралаб, тасниф этилса, фольклоршунослигимизнинг вариантлилик масаласини ўрганишда эришган ютуқларини қуйидаги шаклда ажратиш мумкин.

Биринчидан, фольклор намуналарини илмий, оммавий нашр этишда вариантлиликка бўлган муносабат.

Иккинчидан, вариантлилик масаласининг назарий жиҳатдан тадқиқ этилиши.

Учинчидан, маълум бир асар вариантларини илмий қиёсий ўрганиш.

Фольклор намуналарини илмий, оммавий нашр этишда вариантлиликка бўлган муносабат.

Ўзбек фольклоршунослигида вариантлилик масаласига халқ оғзаки асарларини илмий жиҳатдан мунтазам равишда ёзиб олиш, тўплаш, нашр қилиш ва тадқиқ этишга киришилган XX асрнинг 20-30 – йилларидан бошлаб диққат қаратилган. Бу жиҳатга, айниқса, фольклор намуналарининг нашри жараёнида алоҳида эътибор берилди. Чунки кўплаб вариантлар орасидан ҳар томонлама мукамал намунани ажратиш халққа қайта тақдим этиш, нашрга тайёрловчидан катта билим ва малака талаб этар эди. Бу ўринда вариантлилик юзасидан бевосита назарий ишлар амалга оширилган бўлмаса-да, жуда кўп амалий тажрибалар тўпланди. Ушбу тажрибалар кейинги илмий, назарий тадқиқотларга замин ҳозирлади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли-Пўлкан, Ислом Назар ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли ва бошқа кўплаб халқ бахшиларидан ёзиб олинган дostonлар, кўплаб эртак ва афсоналар, мақоллар ва бошқа чоп

қилинган намуналар ана шу амалий билимларнинг меваси ўлароқ китоб шаклига кирди.

Ўзбек фольклоршунослигида вариантлик масаласига халқ оғзаки асарларини илмий жиҳатдан мунтазам равишда ёзиб олиш, тўплаш, нашр қилиш ва тадқиқ этишга киришилган XX асрнинг 20-30 – йилларидан бошлаб диққат қаратилган. Бу жиҳатга, айниқса, фольклор намуналарининг нашри жараёнида алоҳида эътибор берилди. Чунки кўплаб вариантлар орасидан ҳар томонлама мукамал намунани ажратиб халққа қайта тақдим этиш, нашрга тайёрловчидан катта билим ва малака талаб этар эди. Бу ўринда вариантлик юзасидан бевосита назарий ишлар амалга оширилган бўлмаса-да, жуда кўп амалий тажрибалар тўпланди. Ушбу тажрибалар кейинги илмий, назарий тадқиқотларга замин ҳозирлади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли-Пўлкан, Ислон Назар ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли ва бошқа кўплаб халқ бахшиларидан ёзиб олинган дostonлар, кўплаб эртақ ва афсоналар, мақоллар ва бошқа чоп қилинган намуналар ана шу амалий билимларнинг меваси ўлароқ китоб шаклига кирди.

Халқ дostonларидаги вариантликни ўрганиш жараёнида йиғма матнлар тузишга бўлган уринишларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш талаб этилади. Хусусан, Ҳ. Зарифов “Кунтуғмиш”нинг Эргаш шоир ва Нурман Абдувой ўғли вариантлари асосида йиғма матн тузиб нашр қилган (“Кунтуғмиш”, Тошкент, 1955). Ушбу нашр тақдири ҳақида Т.Мирзайев шундай ёзади: “Бу нашр муваффақият қозона олмади. Ўзбек фольклоршунослигида халқ эпоси намуналарини айрим олинган энг яхши вариантлар асосида нашр этиш принциплари бирдан-бир тўғри йўл сифатида батамом ўзлашди ва ҳозирги кунга қадар эпоснинг энг яхши намуналари етакчи бахшилар вариантларида нашр этиб келинмоқда. Илмий нуқтаи назардан у ёки бу дostonнинг мукамал бахши варианты бўлмаган тақдирдагина нашр учун унинг йиғма нусхаси тузилади. “Ёзи билан Зебо” дostonини тайёрлашда шундай йўл тутилган”

Демак, ўзбек фольклоршунослигининг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, эпоснинг мукамал, етакчи бахши вариантини нашр этишга бирламчи ўринда қаралмоқда.

З.Хусаинова томонидан 1956 йил нашр қилинган “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам” дostonи ҳам ўзига хос йиғма матн ҳисобланади. Айни асарнинг бу чоққача бошқа мукамал варианты чоп этилмаганлиги сабабли ушбу намуна ҳозирча асосий манба бўлиб турибди.

О.Собиров тузган “Ёзи билан Зебо” йиғма вариант ҳамда унинг нашри ҳақидаги фольклоршуносликда айтилган сўнги фикр сифатида тадқиқотчи Д.Халилованинг “Ёзи билан Зебо” дostonининг вариантлари ва бадиияти” деб номланган номзодлик ишидаги муносабатни келтириш мумкин. Диссертант аввало жаҳон фольклоршунослигида бирор бир асарга янги адабий умр бағишлаш ҳоллари мавжудлиги ҳақида тўхталиб, ХВ

асрда номаълум ижодкор томонидан “Китоби Дадам Қўрқут” достони ва ундаги ўн икки қўшиқни бизга номаълум ўзонлардан ёзиб олиб, қайта ишлаш асосида кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган. Бир сўз билан айтганда, дoston йиғма нашр жараёнларни бошидан кечирган бўлиши керак», - деган ўта қизиқарли фаразни илгари суради. Тадқиқотчи фольклоршунос О.Собиров томонидан йиғма варианты тузилган ва XX асрнинг 60-йиллари бошларида нашр этилган “Ёзи билан Зебо” достонига ҳам шу нуқтаи назардан баҳо беради. «Аввало шуни айтиш керакки, бундай нашр ўзбек фольклоршунослигида дастлабки тажриба эди ва бу тажриба ўша давр фольклоршунослиги учун муҳим воқеа бўлди ҳамда у маълум даражада ўзини оқлади. О. Собиров тузган йиғма вариант ўзининг икки-уч нашри орқали маданий ҳаётимизга чуқур сингиб кета олди. Унинг илмий-амалий аҳамияти ҳам ана шундадир”, - деб ёзади. Айни пайтда, Д.Халилова ушбу йиғма вариантнинг бир қатор камчиликларини ҳам келтириб ўтадики, ушбу ҳолатлар бу йўналишда анча изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Йиғма матнлар тажрибалари ҳам вариантларни тадқиқ этишнинг ўзига хос усули эканлигини юқорида келтирилган фактик материаллар, фикр ва мулоҳазалар ҳам тасдиқламоқда. Йиғма матнлар тажрибаси ҳали ўзини тўла оқламаган бўлса-да, бу соҳадаги ишлар тўхтаб қолмаслиги керак. Аксинча, йиғма матн ҳар бир асарнинг мавжуд барча версия ва вариантлари атрофлича ўрганилиб чиқилгач, улардаги бадий етук, кўхна талқинларга эга мотивлар таянч вариант асосига қамралиб, ягона услубга келтирилса, эҳтимол бизгача тўлиқ етиб келмаган дostonларнинг нисбатан мукамал вариантини яратиш имкони туғилар. Бу ўринда “Китоби Дадам Қўрқут” тажрибаси асқотиши мумкин.

Вариантлик масаласининг назарий жиҳатдан тадқиқ этилиши.

Ўзбек фольклоршунослигида вариантликни назарий жиҳатдан ёритган асосий тадқиқот сифатида Т. Мирзайевнинг “Алпомиш дostonининг ўзбек вариантлари” ҳамда “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” монографияларининг вариант ва версияга бағишланган қисмларини келтириш мумкин. Фольклоршунос М.Саидовнинг ҳам “Ўзбек дostonчилигида бадий маҳорат” деб номланган китобида ушбу масалага ўз мавзуси қамровида тўхталганлигини қайд этиш лозим.

Т.Мирзайев, аввало, вариант нима деган саволга жавоб бериб, унинг “фольклор ижодий жараёнига хос барқарорлик ва такрорийлик, канониклик ва ўзгарувчанлик у ёки фикрни турлича ифодалашга кенг имкониятлар...” яратишига эътибор қаратади. Вариантларнинг юзага келишининг субьектив ва объектив омиллари ҳақида тўхталади ва бу ўринда субьектив сабаблар бевосита фольклор ижрочисининг дунёқараши ва маҳорати, унинг ижодчи ва ижрочилиги, анъанага бўлган муносабати ва бажихагўйлиги, “ижодкорлик шахси” билан чамбарчас боғлиқ эканлигини айтади. Бу ҳолатлар эса турли ижодий вариантларда етиб келган ҳар бир фольклор асари оғзаки ижод анъанасининг тенг ҳуқуқли намунаси ҳисобланишини

таъкидлайди. «Бу масалада эстетика принципларидан келиб чикиб, оддий ижрочи варианты билан бадихагўй дostonчи вариантыни бир-биридан фарк қилиш керак бўлади.»

Айни пайтда, муаллиф вариантларнинг пайдо бўлишида объектив сабаб аввало халқ оғзаки поетик ижодининг табиатида турганлигини кўрсаца, иккинчи сабабни тарихий воқелик билан изоҳлайди ва “Фольклорда вариантларнинг юзага келишидаги объектив сабаб биринчи планда туради, чунки вариантликнинг моҳияти ҳам ана шу орқали тушунтирилади”, - деб ёзади.

“Кунтуғмиш” дostonининг вариантлари ўзаро қиёсланса, юқорида кўрсатилган ҳар икки сабаб натижаси ўлароқ пайдо бўлган намуналарни кўрамиз. Хусусан, Эргаш шоир вариантыни Қўрғон дostonчилик мактабининг яна бир вакили Алим Ҳаққулов ҳамда Шеробод дostonчилик мактабининг талантли вакили Қодир Раҳимов ва Хоразм дostonчилигининг намояндаси Рўзимбек Муродовлар вариантларига солиштириб кўрилса, вариантларнинг пайдо бўлиши субьектив сабабининг ўзига хос айрича кўринишлари кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Халқ оғзаки поетик ижодининг табиатига хос бўлган асосий хусусиятларнинг вариантларнинг юзага келишидаги муҳим ўрнини таъкидлар экан, Т.Мирзайев шундай ёзади: “...халқ оғзаки поетик ижоди намуналарининг яратилиш процессининг коллективлик характерига эга бўлиши, уларнинг оғзаки ижро этилиши ва кенг тарқалиши (айрим ҳолларда ёзма равишда ҳам тарқалади), оммавийлик тусини олиши, уларга нисбатан тарихий воқеликнинг таъсири ҳамда айтувчининг актив ижодий муносабати—қисқаси, объектив ва субьектив шарт-шароитлар ёки бу традицион текстга жонли оғзаки традицияда бир қанча версия ва вариацияларда яшаш ҳуқуқини беради”

Фольклорнинг ўзига хос мураккаб ижодий жараёнларда пайдо бўлувчи вариантлик ҳодисасига хос асосий белгилар “Кунтуғмиш” дostonи вариантлари мисолида ҳам намоён бўлади. Ушбу вариантлар тадқиқи эса нафақат “Кунтуғмиш” дostonи, балки бутун эпик ижоддаги вариантлик ҳодисасини теран англаб, унинг туб моҳиятларига етиш имконини туғдиради.

Мустақиллик даврида фольклор тамомила янгича мазмун ва моҳият кашф этди. «Халқ бахшиси» унвонининг жорий этилиши бу фольклор санъатига эътибор давлат миқёси даражасида эканини кўрсатади. Фольклор санъатига бағишланган кўплаб анжуман, фестивалларнинг бўлиб ўтиши бу санъатнинг маънавий ҳаётимизда ўрни баландлигидан далолат беради. Бироқ шундай бўлсада, бутун дунёга хос бўлган вариантларда секилашиш, бузилиш жараёнлари, устоз-шогирдчилик анъаналарига риоя этмаслик, анъанадан чекиниш ва ич овознинг йўқолиб бориши каби хусусиятлар бу санъатни ҳам ўз комига тортиб бормоқда. Бундай вазиятда эса фольклор санъатини кўпроқ тарғиб қилиш, ўрганиш, тадқиқ этиш самарали натижа беради.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-кейс.** Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шунинг кўрсатдики, уларда —Таълим жараёни тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

**Таълим жараёни – бу:**

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний мэхнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

**Саволлар:**

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

—Педагогика фанига оид бир неча манбалар.

*Тингловчилар учун кўрсатмалар:*

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

*Кейсни ечиш жараёни:*

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.



2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

### **Ўқитувчининг ечими**

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани қўйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

### **2-кейс.**

Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

### **Саволлар:**

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказди.

### **Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:**

- Педагогика ва
- Психологияга оид адабиётлар.

#### Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

#### Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал , кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

#### Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказди, аста-секин унда кўрселик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

### **3-кейс.**

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.


### **Тингловчилар учун методик кўрсатмалар**

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.
5. —Кўзгамаъл методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

### **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими  
1-топшириқ бўйича



## VI. ГЛОССАРИЙ

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>ФОЛКЛОР АСАРЛАРИ</b>	Халқ ижодиёти, халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (ертак, достон, қўшиқ, лапар, метал. Топишмоқ ва б.)	Folk art, works created by the people and popular among the people (fairy tales, epics, songs, lapar, metal. Riddles, etc.)
ЁР-ЁР	Никоҳ тўйи марасими жараёнида айтиладиган халқ қўшиғи.	A folk song sung during a wedding ceremony.
АЛЛА	Болани ухлатиш жараёнида яккахонлик услубида айтиладиган қўшиқ. Онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, умид ва орзулари, яхши ният ва тилаклари ифодаланади.	A song sung in solitude during the process of putting a child to sleep. The mother's love for the child, hopes and dreams, good intentions and wishes are expressed.
ЛАПАР	Муסיқий фолклоре жанри, вақеабандлиги ва куй тузулиши жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган, тор диапазонли, нақорациз, чолғу жўрлигисиз айтиладиган қўшиқларга айтилади.	Musical folklore is a song that is not complicated in terms of genre, storytelling and melody structure, it is sung in a narrow range, without rehearsals, without instrumental accompaniment..
РЕПЕРТУАР	(франс. Репертиор, лот. Реперториум – рўйхат, изоҳлаш) – драма театри, муסיқали театр, Эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуи.	(French Repertior, Latin Repertorium - list, interpretation) - a drama theater, musical theater, pop concert or a set of works performed by an individual artist.

<p>ФОЛКЛОР- ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИ</p>	<p>Ҳаваскор ижодий жамоа. Халқ ижодини кўшиқ, рақс, ўйин, оғзаки драма каби шаклларини маҳаллий (миллий) урф-одат ва марасимларга боғлаб сахнавий талқинини намойиш этади.</p>	<p>Amateur creative team. Demonstrates a theatrical interpretation of folk art by linking its forms such as song, dance, play, oral drama to local (national) traditions and ceremonies.</p>
<p>ЖАМОА</p>	<p>Кишиларнинг қадимий уюшув шакли. Қадимда уруғ, оила, хонадон, қишлоқ (қўшничилик) жамоалари мавжуд бўлганлиги маълум. Санъат соҳасида восал ёки чолғу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши тушунилади.</p>	<p>An ancient form of human organization. It is known that in ancient times there were clans, families, households, rural (neighborhood) communities. In the field of art, it is understood that a piece of vocal or instrumental music is performed by several performers.</p>
<p>МАЪНАВИЯТ</p>	<p>(араб. “маънавият” – маънолар мажмуи) – кишиларнинг эстетик, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.</p>	<p>(Arabic "spirituality" - a set of meanings) - a set of aesthetic, moral, religious ideas and concepts of people.</p>
<p>РАҲБАР</p>	<p>Бирор давлат, ташкилот, гуруҳ, жамоа ва шу қабиларга йўл кўрсатиб, бошчилик қилиб боровчи, раҳбарлик қилувчи, йўлбошчи, раҳнамо.</p>	<p>A state, organization, group, community, etc., leading, guiding, leading, guiding, guiding.</p>
<p>АМАЛИЙ ТАСНИФ</p>	<p>Амалий иш, амалий жараён, амалий жиҳатдан турларга бўлиш, ажратиш.</p>	<p>Practical work, practical process, practical division into species, separation.</p>
<p>ФОЛКЛОР- ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИ</p>	<p>Ҳаваскор ижодий жамоа. Халқ ижодини кўшиқ, рақс, ўйин, оғзаки драма каби шаклларини маҳаллий (миллий) урф-одат ва марасимларга боғлаб сахнавий талқинини намойиш этади.</p>	<p>Amateur creative team. Demonstrates a theatrical interpretation of folk art by linking its forms such as song, dance, play, oral drama to local (national) traditions and ceremonies.</p>

<p>ФОЛКЛОР АСАРЛАРИ</p>	<p>Халқ ижодиёти, халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (ертак, достон, кўшиқ, лапар, метал. Топишмоқ ва б.)</p>	<p>Folk art, works created by the people and popular among the people (fairy tales, epics, songs, lapar, metal. Riddles, etc.)</p>
<p>ФОЛКЛОР САНЪАТИ</p>	<p>Халқ бадиий фаолиятининг таркибий қисми бўлмиш халқ санъатининг ижрочилик турлари билан (фолклор, мусиқа фолклори, рақс) ажралиб турдиган қисми.</p>	<p>The part of folk art that is an integral part of folk art, distinguished by the types of performance (folklore, music folklore, dance)..</p>
<p>ОММАВИЙ ТАДБИР</p>	<p>Катта йиғин, кенг нишонланадиган тантанали йиғин. Кўпчилик тарзда, оммавий равишда ташкил этиладиган байрам, тадбир.</p>	<p>A large gathering, a solemn gathering that is widely celebrated. In many ways, it is a public event.</p>



## VII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаётовон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли [Фармони](#).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли

Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

16. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

17. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

18. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

19. Габитова А. Минимализм в музыке Т., 2007.

20. Ижрочилиги тарихи” Т., «Муסיқа» 2007 й.

21. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

22. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

23. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.

24. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

25. Назайкинский Е. Жанр и стиль в музыке – М, 2003.

26. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-00830\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-00830_2017.pdf).

27. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf).

28. Ражабов И. “Мақомлар”. «SAN,AT» нашриёти Т., 2006 й.
29. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
30. Узбекская музыка на стыке столетий (XX-XXI вв.), проблемы (коллективная монография). Ташкент, 2008.
31. Хакназаров З. – О дирижировании, Т., 2011, изд-во “Musiq”.
32. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
33. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
34. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
35. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
36. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
37. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
38. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
39. The Techniques Orchestral Conducting by Ilya Musin. (Translated by Oleg Proskurnya), Edwin Mellen Press Ltd, 2014, USA.

#### IV. Интернет сайтлар

40. <http://edu.uz>
41. <http://prezedent.uz>
42. <http://madaniyat.uz>
43. <http://mygov.uz>
44. <http://lex.uz>
45. <http://bimm.uz>
46. <http://ziyonet.uz>
47. <http://www.dsmi.uz>
48. <http://www.artsait.ru>
49. <http://belcanto.ru/>
50. <http://music.edu.ru/catalog>
51. <http://artyx.ru/>